БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 10 август Жума
№ 150 (13.586).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •



Улар мавсумий дала шийпони ёнидаги бўш ерга қовун-тарвуз, помидор, бодринг ва кўкатлар экишганди. Кўзлангандек, ҳосил яхши бўлди. Мана, ҳозир ҳамма ёз неъматларидан баҳраманд бўляпти. Бундан бригадир ҳам, аъзолар ҳам хурсанд.

Бундан ташқари, бригаданинг 15 қути асалариси ҳам бор.

СУРАТДА: Китоб ноҳияси, Свердлов жамоа хўжалигидаги Мейли Эшимов бошлиқ бригада аъзолари тушлик пайтида.

Сураткаш: Жўра БОБОРАҲМАТ.

Шу сўнгги хабар

Музейга совға

САМАРҚАНДДАГИ тинчлик ва бирдамлик жамоатчилик музейи кўргазмасида ғайритабиий ашё — Берлинни икки дунёга ажратиб турган «машҳур» деворнинг бир парчаси пайдо бўлди. Уни ГДРдан Самарқандга совға қилиб юбордилар. Эрнст Тельман музейининг директори Эрнст Пиль халқлар тарқоқлиги ва муҳолифлигининг рамзи бўлган ана шу икки килоли бетон парчасини Самарқандга олиб келди. Икки музей бир-бири билан ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ бир неча йилдан бери алоқа боғлаб келмоқда. Шартномада ахборотлар, экспонатлар, кўргазмалар алмашиш кўзда тутилган.

Яна бир отряд қайтиб келди

Зукко муштарийларимизнинг ёдида бўлса керак, рўзномамизнинг шу йил 21 июль сонида Тошкент Давлат дорилфунунининг фалсафа-иқтисод куллиёти тасарруфида тузилган «Марксчи» талабалар отрядининг муддатидан олдин қайтиб келганлиги ҳақида хабар берган эдик. Куни кеча мазкур олийгоҳнинг яна бир талабалар отряди қайтиб келди.

— Меҳнат таътилини тўла ўтаб бўлмасдан ортга қайтиш отрядимиз учун жуда оғир бўлди, — дейди рус филологияси куллиётининг «Сайёра» талабалар отряди командири Исроил Исоқов. — Тюмень вилоятининг Урай шаҳрида ишлашимиз шартномада кўрсатилган эди. Бошланишда ишларимиз ёмон кетмаётган эди. Бироқ аҳвол кундан кунга чигаллашиб бораверди. Нимагадир маҳаллий аҳоли бизнинг — ўзбекистонликларнинг бу ерда ишлашимизга қаршилик қила бошлади. Аҳвол шу даражага бориб етдики, баракдан чиқолмай қолдик.

Тюмень вилояти, Урай шаҳридаги мазкур ташкилот билан дорилфунун талабалари мустақил ҳолда шартнома имзолаган эдилар. Бу ерда талабалар отрядлари вилоят ва жумҳурият штабларининг ҳеч қандай ёрдамисиз шартнома тузилганди. Унга асосан бир талай ишлар қилинган, талабалар қилинган ишлар учун иш ҳақи олишлари ҳақ. Буни ҳеч ким инкор этолмайди. Аммо энг муҳими бунда эмас, иттифоқимизда миллий муносабатлар тобора кескинлашиб бораётган бир пайтда халқлар ўртасига низо солиш ким учун керак бўлиб қолди экан?

Шундай деймизу, барибир ўйга толасан киши. Талабалар билан маҳаллий аҳоли ўртасида келишмовчиликлар чиқаётган бир пайтда, ерлик тартиб посбонлари номаълум сабабларга кўра жумҳуриятимиз вакилларининг қилган мурожаатларига парво қилмадилар. Дорилфунуннинг 16 талабаси нажотсиз қолиб кетди. Хўш, улар учун яна қандай йўл бор эди, ортга қайтишдан бошқа.

Дорилфунун талабалар отрядлари штаби бошлиғининг ўринбосари Содиқ Тошматовнинг айтишига қараганда, шартномада кўрсатилган талабга биноан унга амал қилинмаган тақдирда жарима ундирилади.

Маҳаллий аҳоли вакилларидан бир неча киши жамоат тартибини бузганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилган. Улар устидан жиноий иш қўзғатилган.

Мунаввар ТЎЛАЕВА.

Ҳимоясиз пуллар

КЎПЧИЛИККА қарашли пулни асрашга оид махсус йўриқлар ишлаб чиқилган. Кошкийди, моддий жавобгар шахслар ҳар доим ҳам унга қатъий амал қилиб, кассадаги маблағни киссадаги сингари кўз қорачўғидай сақласалар?

Ғаройиб воқеаларга кўниккан Тошкент вилоятидаги Ғишткўприк посёлкаси аҳли 25 июлга ўтар кечаси юз берган ҳодисани одатдагидек қабул қилди. Кундузги жазирамадан ҳориган қишлоқ оромга кетганда, кимдир 3-дўконнинг орқа томонидаги девордан туйнук очди. Зулмат қўйнига сингишдан олдин у 3 минг сўм пул турган темир қутини ва япон магнитофонини қўлтиққа урди. Изига тушган милиция қўлга олгунга қадар ўғри дўконга ташвишогоҳ қурилмаси ўрнатмаган кишилар, номи бор-у ўзи йўқ қоровул шаънига бир дунё «таҳсин»лар ёғдирса ажаб эмас...

Андижон вилояти Комсомолобод ноҳияси Мингбулоқ қишлоқ Шўросининг биносига 1 августга ўтар кечаси яқинлашган шарпа деворга ёпишмади. Эшикка мос калит ёрдамида кассахонага кириб, темир қутини ўмарди. Унда кўп болали ва бошқаларга мўлжалланган 12,4 минг сўм нафақа пули бор эди. Ўғрининг омади чопганини қарангки, Шўро биносида на қоровул бор, на ташвишогоҳ қурилмаси бор эди.

Чўнтакдаги «ажал»

Аскар йигит чамаси ҳамма нарсани пухта режалаштирганди. Атайин Тошкент қўналғасидан ярим тунда кўкка парвоз қиладиган тайёрага чипта олганди. Шунинг учун қадрдон шаҳри Днепропетровск қолиб, Харьковга учмоқчи бўлган 20 ёшли Александр Х. юкларни, ҳайдовчиларни текширишдан ўтказаётган қўналға ва милиция ходимларининг тунги чарчоғига умид боғлади. Лекин у қаттиқ адашганди. Синчков назоратчиларни чалғитишга улгурмади. Текширувда шимининг чап чўнтагидан жанговар граната, ўнг чўнтагидан эса граната чақмоғи (запали) чиқди...

Бундан бир неча кун илгари эса қўналға ҳожатхонасининг фарроши ахлатқутидан нокка ўхшаш темир буюм топиб олди. Ҳайтовур қизиқсиниб, унинг ҳалқасини тортмасдан бошлиғига топширди. У ўз навбатида аёл келтирган буюм граната эканлигини билгани учун ҳарбийларни чақирди. Ҳарбий қисмларда ҳисобда турувчи бундай портловчи яроғлар қандай йўл билан ташқарига чиқиб кетаяпти экан!! Бу бизга қоронғу.

Гулчеҳрани топишда ёрдам беринг!

Шу йилнинг ўзида бу оила аъзоларидан учта хат олдим. Ҳар бир сатри дил изтиробларидан бўзлаб турган мактубларни ўқиш оғир. Улардаги илтимосни адо этиш учун қўлинг калталик қилса, яна ҳам азоб. Сирдарё вилояти Ильич ноҳияси, «КПСС XXV съезди» номли давлат хўжалиги, Победа кўчаси, 24-уй, 2-хонадонда яшовчи Соатовалар йўллаган мактубларда 1989 йилнинг 17 ноябрь куни дом-дараксиз йўқолган Гулчеҳра Соатова ҳақида сўз юритилади.

Яқинда муштипар онадан яна хат олдим. Ҳамон Гулчеҳрадан дарак йўқ. Қадрдонлар, Соатовалар хонадонига тушган қайғуни бартараф этиш истагини билдирсангиз, ушбу фотосуратга бир назар ташланг. 1979 йилнинг 17 февралида туғилган Гулчеҳра Соатова мактабга кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 120 см, юзи қорачадан келган, сочлари қора, кўзлари жигарранг ёйсимон, уст-боши: кўк кўйлак, қизил кофтача, ҳаворанг шапка, қўлида қуёнча тасвири туширилган мактаб сумкаси бўлган.

Гулчеҳрага таллуқли бирон-бир маълумотга эга бўлган фуқаролардан «02» рақамли телефон орқали энг яқин милиция бўлимларига ёки юқоридаги манзилгоҳ бўйича Соатовалар оиласига хабар беришларингизни сўраймиз.

Ғ. БОЛТАБОЕВ,
Жумҳурият ички ишлар вазирлиги матбуот марказининг ходими, милиция капитани.

Шу сўнгги хабар

КОМИЛ

Ёшлар етакчиси суратига чизгилар



АВВАЛО, етакчининг «шакли-шамойили» ҳақда. Ўрта бўйли, ушоқ жуссали. Оддий кийинади, сочини калта олдириб, дўппи кийиб юради. Қорин қўймаган. Шу сабаб, хўжаликларга иш билан борганида оддий деҳқонлар уни «каттакон» деб ўйлашмайди. Содда одамларда турғунлик «отахон»ларининг басавлат гавдаси, «пўрим» кийиниши, қориндор «сиёсати» сақланиб қолганда... Жуда «билағон» биттаси «Бирорта каттаконнинг арзандаси» деб шеригига шипшиган жойи бордир. Йўқ, янглишадилар. У оддий хонадонда улғайган. Отаси — умр бўйи ишчи, онаси — умр бўйи боғча тарбиячиси. Оилада ёлғиз фарзандлиги — ҳақ. Ота-онасининг пешонасига бошқа фарзанд битмагани — унинг айби эмас...

У — ўттиз бир ёшда. Тўрт йил шаҳардаги ўрисча боғчада, кейин ўн йил ўрисча мактабда ва яна тўрт йил пойтахтда ўрисча олий ўқув юртида таҳсил олган. Булар — даврнинг «байналмилал сиёсати» меваси. Ҳар иккала тилни мукаммал билиши, ёзиши, сўзлай олиши — омади. Бу — ўзбек боласида ўзбекча урф-одат, фазилатлар йўқолиб кетди дегани эмас. Аксинча, бир ўзбек йигити шунча бўлар...

Ўн уч ярим ёшида комсомол сафига кирган. Ўшанда ўсмирнинг интилиши, орзу-ҳавасини кўриб, комсомолдаги ўртоқлар Уставни сал бузиб қўйишган. Ким ўйлабди, кейинчалик Уставни бузган ўсмир — комсомолларга етакчи бўлади, етакчи бўлганда ҳам — ҳавас қиладиган, деб. «Бола бошидан...» — деганлари шудир.

Саккиз йилки, комсомол ишида. Маълумоти — қурилиш муҳандиси. Тошкент ярим ускуналар олий ўқув юртининг саноат ва фуқаро қурилиши куллиётини тамомлаган. Икки йил қурилиш ташкилотида хавфсизлик ускунаси муҳандиси бўлиб ишлаган. Кейин, боя айтганимиздек, комсомол ишига ўтган. Хонқа ноҳия комсомол қўмитаси мактаб бўлими, ташкилий бўлимларида йўриқчи, шўъба мудири, ташкилий бўлим мудири бўлган, иккинчи котиб қилиб сайланган. Бир йилча ноҳия фирқа қўмитасида йўриқчилик ва 1988 йилдан бошлаб ноҳия комсомол қўмитасининг саркотиби.

ФАЗИЛАТЛАРИ: ҳамма билан бир хилда муомала қилади. Қаттиқ гапирмайди, сўкмайди. Ҳар бир гапини топиб айтади. Ўрнида, асосли айтилган гап — эътироз, танқид — ҳар қандай дакки, дўқнинг ўрнини босиб кетади. Юқори органларнинг хато ва камчиликларини аёвсиз танқид қилиши боис — тепадагилар унчалик ёқтиравермайдилар. «Тўғри гап туққанига ёқмаслигини» яхши билади. Аммо, начора, тарбияси шундай, эътиқодига, виждонига қарши боролмайди.

Вилоят комсомол ташкилотининг XXV конференциясидаги музокарасидан бир парча:

«...вилоят комсомол қўмитасининг ҳисобот даврида олиб борган фаолияти юзасидан бугунги конференцияга ишлаб чиққан маъруза тезисларини ноҳия комсомол ёшлари ўртасида атрофлича муҳокама қилиб ва бугунги ахборотни эшитиб, биз шу хулосага келдикки, вилоят комсомол қўмитаси, унинг бюроси, секретариати, қолаверса аппарати ҳам ҳозирги шароитда ишлашга тайёр эмаслар...»

Жиддий айблов, ишончли далиллар билан асослаб берилган музокара сўзи ўқилаётганда залга оғир сукунат чўмгани, президиумдаги айрим ўртоқларнинг пешонасини тер босиб кетгани ҳамон кўпчиликнинг ёдида. Конференциядан хотирага илашгани ҳам шу музокара сўзи бўлди. У таъсирсиз қолмади, вилоят комсомол қўмитасининг кейинги фаолияти бунга мисол.

ФИКРЛАРИ:

«Давр беқарор бўлиб қолди — суянчиқ бўладиган нарсанинг ўзи йўқ. Бугунги «метин қараш» бир соатдан сўнг ўзгармаслигига кафолат бера олмаймиз. Афсусли томони, «семизроқ ғоя» билан чиқсанг радикал бўласан, аппаратчиларга ёқмайдиган гап қилсанг — консерватор. Реформатор бўлиш нақадар қийин бу шароитда».

«Марказқўм, вилоят, ноҳия фирқа ва комсомол қўмиталари аъзолигига, котиблардан ташқари, бирорта ҳам аппаратда ишлайдиган масъул ходим сайланишига йўл қўймаслик керак, чунки аппарат — бу бевосита ижрочи ва сайлов органларига сайланган аъзоларга амалий ёрдам кўрсатувчи бўғиндир».

Ноҳия комсомол ташкилоти вилоятдаги энг илғор, ташаббускор ташкилот. Умуман ноҳиянинг ўзи, воҳанинг бели бақувват жойи. Қишлоқ хўжалигида бўлсин, чорвада бўлсин, саноат ва қурилишда бўлсин — давлат режалари мукаммал уддаланади. Аввallар ҳам шундай бўлиб келган, ҳозирда ҳам шу.

Илғорлик сабаб — неки тажриба — синов бор, кўрик-текшириш бор, шу ерда ўтказилиши гўё қонунлашган. Меҳмонни энг яхши безатилган хонага олиб кирасанда...

Комсомол ташкилоти хўжалик ҳисобида ишлаб, ўз харажатларини ўзи қоплаяпти. 15 минг нафарга яқин аъзоси бўлган, қишлоқ ноҳияларида бунга эришиш кўп қийин. Лекин, ноҳиянинг бели бақувватлигини боя айтдик.

Яна комсомол ташкилоти хўжалик юритишнинг, сайлов органлари фаолиятини ташкил қилишнинг янгича услубида ҳам ишламоқда. Бу синов муваффақият қозонди — негаки яқиндагина вилоят комсомол қўмитасининг сайёр пленуми шу ерда ўтказилиб, унда ноҳия комсомол ташкилотининг шу юзасидан ҳисоботи тингланди, яхши баҳоланди.

Буларнинг ҳаммасида етакчининг ўрни бор. Қариялар бекорга айтишмайди, «Минг ишчига бир бошчи» деб...

СИЁСИЙ НУҚТАИ НАЗАРИ:

«Фирқанинг XXVIII съездидан кўп нарса кутгандик. Ҳаммаси ҳам оқланмади. Негадир бу гал ҳам олдиндан тайёрланган сценарий чиройли қилиб ўйналди...

Бир нарсани ҳазм қилиб бўлмайди, фирқани жиддий қайта қуришимиз керак. Фақат фирқанигина эмас, балки ҳозирда жамият ҳаётини қайта қуришнинг энг мақбул йўлларини ахтаришимиз керак. Вақт кетаяпти...»

«Комсомолни қўя турайликда, унинг йўлбошчиси бўлмиш — фирқанинг обрўси ҳақида фикрлашайлик. Обрўсини тушиб кетди, деймиз. Нега! Сабаби оддий — гарчи «Партия ва халқ якдил» десакда, узоқ йиллар улар икки қутб бўлиб келишди. Ҳозирда унинг таъсири сақланиб қолган. Айтайлик, фирқа қўмитаси масъул ходимни бирор жамоадаги жанжални бартараф этишга юборади. Топшириқ берилади. У ёққа борса, талаб ва вазият тамом бошқача. Кечагина бирга ишлаган одамлари орасига аппарат ходими қайта қўшила олмайди. Икки ўт ўртасида, ё халққа ён босиши керак ёки ўзи нон еяётган аппарат талабига...»

«Ҳайрон қоласан, киши. Ишимиз билан сўзимиз ҳеч тўғри келмайди. Қоғозда, минбарда, ойнаи жаҳонда ўзларини халқ учун фидоий, унинг салкам туғишган отаси, деб кўкрак урадиган ўртоқлар ўз «болалари» — халқи олдига боришдан ҳайиқишади. Мисолни юқоридан, каттароқдан олаверай: йил бошида Тоғли Қорабоғда қайта қўзғалиш бўлганда КПСС Марказқўми котиби ва Иттифоқ Миллатлар Кенгашининг Раиси шу ерга жўнаб кетишганди. Жонлари кўзларига иссиқ кўриниб, ярим йўлдан қайтишди...»

Етакчининг бу танқидий сўзлари орқадан отилган ўқ бўлиб кўринмасин. У одатда танқидни юзига айтишни маъқул кўради. Вилоят комсомол қўмитаси конференциясида вилоят фирқа қўмитаси биринчи котибини, ноҳия фирқа конференциясида ноҳия фирқа қўмитасининг биринчи котибини кескин танқид қилди... Хоразм шароитида бу айтишга осон...

СИЁСИЙ ҚАРАШИ:

«...Ленин тўғрисидаги танқидий, айтиш керак тўғридан-тўғри ғаразли чиқишларни қандай баҳолашимиз керак! «Комсомольская правда» рўзномаси Америко жаридасидан кўчириб босган суратда доҳий ёнида яланғоч фоҳиша акс эттирилган. Бу сурат — ўша давр руҳи билан яшаган, коммунистик ғоя учун қисқа умрини фидо қилган инсон учун ҳақорат».

Бу сўзлар жумҳурият комсомол Марказқўми пленумида айтилган...

У БЛКЁИнинг XXI съездида қатнашди. Музокарада сўзлаш нияти бор эди. Лекин, «фаол россияликлар» уларга навбат беришмади. Мана ўша ўқилмаган маърузадан бир парча:

«...Фикримча, БЛКЁИ МҚ, унинг бюроси ва асосий аппарати, ўтган ҳисобот даврида ўзининг ўртамиёна асарини ижро этди. Давр талабига мослаб яратилган, ёшлар учун хизмат қилиши керак бўлган бу асарга «Қайта қуриш, демократия, ошкоралик» деб ном берилганди. Аммо, бош оркестр унинг мазмунини тушуниб етмади. Ва, юмшоқ қилиб айтадиган бўлсак, бош дирижёр устамон чиқиб қолди, ўзи бизга юзма-юз қараб турганин ҳолда, орқадаги оркестрни таёқчаси билан бошқариб турди. Томошабинлар, яъни ёшлар ўринларида туриб, «соль, соль» нотасини чалишни айтиб туришгани ҳолда, оркестр, яъни Марказқўм аппарати «ля», «ля» «ля» клавишини маҳкам туриб ижро этаверди... Йўқ, бизга бундай асарнинг, оркестрнинг кераги йўқ. Етар!».

Съезднинг қандай якунланганини, натижаси билан танишмиз. Етакчи томонидан унга берилган баҳода бирорта ортиқча сўз, ноаниқ ўхшатиш йўқ. Таассуфли томони, бу музокара ўқилмади...

У вилоят комсомол қўмитаси бюроси ва ноҳия фирқа қўмитаси бюроси аъзоси, ноҳия кенгаши депутати. Демак, ишлари етарли. Жамоат топшириқлари ҳам. Комсомол ёки фирқа бюроси йиғилишларида кутилмаган, баъзилар «ҳазм қилолмайдиган» фикр, ғоя, таклиф айтиши мумкин. Ҳар дамда шундай чиқишни кутиш мумкин. Ҳамма вақт бўлмасада, кўпгина ҳолларда унга эргашувчи, унинг фикрини маъқулловчилар топилади. Айтганимиздек, йиғилиш, мажлис, руҳини ўзгартириб юборадиган бундай фикр — кабинетларда ишлаб чиқилган қарор — кўрсатмалардан кўра нафлироқ бўлиши мумкин.

ХУЛҚ-АТВОРИ: камгап, «темир ахлоқ» интизоми руҳида тарбияланган. Баъзида бундай одамларни даврдан орқада қолган дейишлари мумкин. Йўқ, ахлоқсизлик билан даврдан илгарилаб кетгандан кўра ундан орқада юрган яхши...

ОИЛАСИ: ҳали олий ўқув юртида ўқиб юрган пайтидаёқ уйланган. Турмуш ўртоғи ўшанда мактабда кашшофлар етакчиси бўлган. Кейинча болажон бўлиб (беш нафар фарзандлари бор) у ишдан қолади, болалар тарбияси билан шуғулланади, комсомолда ишлаш эстафетасини турмуш ўртоғига беради...

КАМЧИЛИКЛАРИ: кўнгилчанлиги бор. Буни айримлар бошқача талқин қилишади. Ожизликка ҳам йўйишади.

Нос чекади. Агар шуни ҳам камчилик атайдиган бўлсак, эркакларнинг етмиш фоизи чекадиган даврда — етакчи учун бунинг айби йўқ. Кундалик елиб-югуриш, сира битмайдиган ташвишлардан бош оғриб, мия ғовлаб кетган пайти, ҳеч нарса битта сигарет ёки бир чеким нос ўрнини боса олмайди.

ҚИЗИҚИШИ: кўп китоб мутолаа қилади.

Ёшлигидан лирик шеърлар ёзади, ҳеч қачон эълон қилдирмаган. Бировларга ўқишга ҳам беравермайди. «Аппаратчи»ларнинг бадиий ижодга кўнгил қўйиши янгилик эмас: бунга қатор мисоллар келтириш мумкин. Йўқ, турғунлик даврининг «улкан ёзувчилари», «содиқ ленинчи»ларини айтмоқчи эмасмиз. Уларнинг «мероси» шу қадар катта-ки, эндиликда «тенгсиз асар»ларини ким ёзганини аниқлаш билан оиласини тебратаётганлар бор...

Етакчининг лирик шеърлари ўқувчиларга мўлжалланмаган, унинг ёлғиз ўзига тегишли. Унда кундалик ишлардан чарчаган, бир қолипдаги қоғозлар, қарорлар, кўрсатмалар, йўл-йўриқлар одамни силсиланинг ижрогўй винтига айлантириб қўйиши мумкин бўлган жамиятда — ўзини, ўзлигини, инсоний хислатлари, фазилатларини мўътадил сақлаб қолишни истаган, шунга интилган йигитнинг ҳасратлари бор. Булар балки шунчаки овунчоқдир. Умрдан норозиликмикан-ё?

Йўқ, бундай дейишга ҳаққимиз йўқ. Негаки, комсомол етакчисининг ҳаёти, обрўси, таниш-билишлари, дўстлари davраси, қарашлари, эртанги кунга ишончи, имони — шубҳаларимизни тўзғитиб юборади ва биз беихтиёр «тирноқ остидан кир излашни» бас қилиб, унинг суратини чизишни давом эттирамиз...

Етакчига ортиқча баҳо бериб юбормадикми? Уни атиги икки йилдан буён танисам, бир хонада ўтириб ишламаган бўлсам. Айтиб қўйишим керак, бу баҳонинг ҳаммасини у билан бирга ишлаб келаётган комсомол ходимлари, танишлари, дўстларидан эшитганман. Ўз шахсий кузатувларим ҳам бор. Келинг, етакчи ҳақида бир неча алоҳида фикр эшитайлик:

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказқўми котиби А. Қодиров «Комсомольская правда» рўзномаси мухбири билан мулоқотда уни «Эркин шахс», «бошқача фикрлайдиган киши», деб таърифлайди...

Боғот ноҳия комсомол қўмитаси саркотиби Ў. Рўзиев фикрича, «У ҳар қандай даражадаги вазифани бемалол торта олади. Иқтидори, билими, сиёсий савияси шундай. Ҳозирги пайтда — қайта қуриш бир жойда депсиниб турган, боши берк кўчага киришимиз эҳтимолдан холи бўлмаган нозик вазиятда бизга айнан шундай раҳбарлар керак...»

Вилоят комсомол қўмитаси котиби К. Иброҳимов: «Биз ундан кўп нарса ўрганишимиз керак. Афсуски, комсомолда бундай қобилиятли етакчилар кам...»

Яна нима дейишимиз мумкин? Фақат шуми? Балки, ҳозирча етар... Вақт ўтиб, унинг ҳам «паймонаси тўлиб», комсомол сафини тарк этар, кейин биз — шу сафда қолганлар бундай «эркин шахс» ҳақида афсуслар билан эслармиз, ўринбосарлар топилмаганидан нолирмиз, уни «қўлга киритган» ташкилот, корхона, орган... ҳавасимизни келтирар...

Булар кейин, ҳозирча биз қайта қуриш давридаги комсомолнинг кўзга кўринган бир етакчиси суратини чизишга уриндик. Унинг ҳали мўйқалам силлиқламаган ўринлари кўп.

...Унинг эртанги кун ҳақидаги фикрини билгимиз келади.

«Эртанги кунми, у бугунгидан яхшироқ, бугунгидан фаровонроқ ва демократик бўлишига ишончим комил. Бўлмаса, ишлашдан не фойда?..»

Тамом!

Ҳа, дарвоқе, унинг исми **КОМИЛ**, шарифи — **ЖУМАНИЁЗОВ**.

Энди нуқта қўйсак бўлар...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.
Хоразм вилояти.



Ҳусния Усмонованинг асли касби тикувчилик. Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилади. Тағин қайси участкада денг. Тажриба цехида. Ҳуснияning бундан ташқари яна битта масъулиятли вазифаси бор. У ҳам бўлса, участка комсомолларига етакчилик. Бу ерда ташкилий-оммавий ишларнинг оқилона йўлга қўйилганлиги туфайли ҳам ёшларнинг ишлаб чиқаришдаги пешқадамлиги, ишбилармонлиги яққол кўзга ташланмоқда. Бу эса ўз навбатида сифатли ва бежирим андозаларнинг шаклланишига ҳам имкон бермоқда.

СУРАТДА: цех бошланғич комсомол қўмитаси котибаси Ҳусния Усмонова.

Е. БОТИРОВ олган сурат.

«ЁШЛИК» БИЛАН МУЛОҚОТ

Жумҳуриятимиз телевидениеси янгиланиш жараёнини ёшлар изланиши, қизғин фаолияти, чин мустақилликни ҳис этиб, масъулиятни сезган ҳолда ижод этиб миллион-миллион хонадонларга хабар ҳамда томоша етказишга қадар бўлган жараёнларни ёшлар билан боғлаётганини жамоатчилик кузатиб бораяпти. Ғайратга, режаларга тўлиб-тошган қизлар ва йигитлар меҳнати туфайли ойнаи жаҳон экранида пайдо бўлаётган суҳбатлар, мусоҳабалар репортажлар, тележурналлар, телеконцертлар шуни кўрсатадики, ойнаи жаҳонга кириб келаётган ёшлар дурустгина тайёргарликка эга бўлиб студияда вужудга келаётган қулай шароитда самарали меҳнат қила оладилар. Бунинг учун аввало уларга мустақиллик бериш, соат, кун сайин назорат қилиш эмас, соғлом, ижодий муҳит яратиб, ҳар бир программа, кўрсатув, тасвир, овоз, монтаж, тиғрнинг имкониятлари ҳамда ҳаво мавжига узатилган нусхаси ҳақида дўстона суҳбат, мунозара ўтказиш зарур кўринади. Зотан, бизни қувонтираётган ойнаи жаҳон асарларида ҳам бир қатор мунозарали лавҳалар, нуқсонлар мавжудки, улар ҳақида баҳслашишга эҳтиёж сезасан. Бу ўринда гап ёшларга насиҳат қилиш, уларга ёт бўлган эстетик шаклларни тавсия этиш ва айниқса, ҳеч йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол — катта умидлар билан ойнаи жаҳон оламига кириб келаётганларни кетгунча танқид қилиш ҳақида кетаётгани йўқ, асло.

Кичик экранга тикилиб ўтириб қувонамиз ҳам, ўйга ботамиз ҳам. Хурсандчилигимиз ҳам, мулоҳазаларимиз ҳам режалар тузган, қалам тебратган, видеотасма, камера билан юриб тасвир яратган, уни овоз билан бойитиб электрон аппарат кўмагида монтаж қилиб, ниҳоят шаклда томошабинга етказган ойнаи жаҳоннинг ёш заҳматкашлари ижоди билан боғлиқ. Шундай экан, эҳтимол узоқ йиллар давомида илк бор соати келиб 5 августда амалга оширилган тўлиқ ҳажмдаги рўзнома саҳифаси имкониятларидан фойдаланиб кўриб чиқайлик.

Ўша куни «Ёшлик» муҳарририяти эрталаб соат тўққиздан деярли ярим тунгача (соат 23.30 минут) тўлиқ ўз кўрсатувларини эътиборимизга ҳавола қилди.

Аввало бундай кўрсатувларда (аввалгиси 24 июнь куни экранимизда намоён бўлган эди) бир жиддий масалани ҳал этишга имкониятлар изланаётганини мамнуният билан қайд қилмоқчимиз. Ойнаи жаҳон ходимлари томошабинлари билан узвий алоқада бўлишга интилмоқдалар. Айрим ҳолларда ўз мақсадларига эришмоқдалар ҳам — ойнаи жаҳон ва хонадон ўртасида кўзга илинмас «кўприк» вужудга келиши кўрсатув доирасини кенгайтиришга, мутахассислар билан ҳаётимизнинг турли соҳалари, жумладан, кўрсатувларнинг савияси ҳақида суҳбатлашишга шароит яратиб бермоқда. Тўғри, бу йўлда эндигина дастлабки қадам қўйилди.

Ўн уч ярим соат узлуксиз давом этган кўрсатувларга муносабатимизни билдириш учун уларни икки турга бўлдик. Биринчиси: ойнаи жаҳон оммавий ахборот воситаси сифатида ўз мухлисларига илдамлик билан янги хабарларни етказиб бериш учун ўзига хос шаклларидан фойдаланиши. Иккинчиси эса — танлаган жанр ва шакл талабларидан келиб бадиий ғоявий хабар, фикрни ифода қилишга уриниш, мулоҳаза юритиш, баҳс. Шундай вазифаларни бажарувчи кўрсатувлар аслида бир-бирини ҳар жиҳатдан тўлдириши ва [illegible] кунлик, ҳафталик телепрограммани ташкил этиши кўзда тутилди. Биз танлаган кун қандай бўлди.

ХАБАР БЕРИШ МУАММОЛАРИ

Фикримизча, мазкур кўрсатувларда — хабар етказишда ҳам, уларни тадқиқ қилишда ҳам — жумҳуриятимизнинг бугунги кунига хос белгилари сезилади. Хабарларнинг жўғрофияси торлиги, иқтисодий масалалар олдинги ўринга қўйилиши, шакл танлашда марказий телевидениега тақлид қилиши, ҳинд фильмларидан кўрсатишга баҳона изланиши, келажакка эмас, кўпроқ кечаги кунга, узоқ ўтмишга назар ташлашга эҳтиёж сезилиши... Буларнинг барчасини осонгина изоҳлаш мумкин: бизга хориж хабарлари бевосита ўша мамлакатдан, у ердаги ўз мухбиримиздан эмас, марказ орқали, текисланган, қайта идрок этилган, шарҳланган ҳолда етиб келиши маҳаллий ахборот воситаларини, хусусан ойнаи жаҳоннинг имкониятларини ниҳоятда чеклаб қўяди. Имоним комилки, «Ёшлик» муҳарририяти Миср ёки Дамашқда, Бомбай ёки Коболда ўз мухбирига эга бўлганида тоза саганалари, Ҳиротда зиёратгоҳлари, араб талабаларининг Ўзбекистондан қайтиши маросимини, ҳинд киноюлдузининг Тошкентдаги учрашувларидан олган таассуротларини кечаги программасига ҳам киритарди...

Иқтисодий масалалар ҳал этилганида эса асосий урғуни талаб масалаларга бериш тўғри бўларди... Ойнаи жаҳон студияси йиллар давомида мустақилликка эга бўлиб келганда ўз иш услубига, ўз ихтиро қилган программасига ҳамда уни амалга ошириш учун хизмат қиладиган бадиий имкониятларига эга бўларди...

Шундай қилиб, хабарларни дорилфунун талабалари айтиб турдилар, «Ассалому алайкум», мультфильм ва ашулалар орасида нон, гўзаллик, Андижондаги «Сумалак» ансамбли ҳақида мулоҳаза қилиш учун янги материал бермоқчи бўлди. Шаҳримиз хиёбонларида уюштирилган мусоҳабада эса кўпроқ мазкур кўрсатув ҳақида фикр юритилиб, унинг муаммоларини ҳал этишга даъват этилди. Айниқса, «Ёшлик» ўзининг доимий каналига эга бўлиши керак, шундагина муҳарририят воқеаларни изчиллик билан, илдам ёритиб бориш имкониятига эга бўлади, деган фикр бизга ҳам маъқул бўлди.

Академик Эркин Юсупов мулоҳазалари ҳар галгидек чуқур, ҳар қачонгидек баҳсга чорлайди. Шу боисдан ҳам қизиқарли. Лекин ундан мусоҳаба кўчада, хиёбонда эмас, студияда олинди. Бинобарин, дорилфунун ректори, СССР халқ депутати, йирик анжуманлар иштирокчисидан янада унумлироқ фойдаланишга имкон бор эди.

Шинғил-шинғил хабарларни йиғиб бериш билан чекланиш [illegible] кўрсатувлар бўлганда, Ойнаи жаҳонда аввало кўрсатиш керак [illegible]. Ёшларнинг бир гуруҳ навбатма-навбат [illegible] маълумотларни [illegible] қиладилар-у, бир-бирлари билан ўзаро мулоқотда бўлишга ҳам ботинмаётгандилар. Бирор хабар томошабиндагина эмас, уни ўқиётганлар, даврадагиларда ҳам қизиқиш уйғотмади.

«Иқбол»да гўзал қизлар иштирок этдилар. Бу гал ҳам ойнаи жаҳон саҳнада содир бўлаётган воқеаларни, залдагиларнинг қарсак чалишини плёнкага муҳрлаган, сўнгра бизга етказган. Бундай «томошалар»нинг экрандаги аксини кўриб, ҳар гал ўйлардим «Наҳотки ойнаи жаҳон ходими воқеага аралашиб, залдагилар билан суҳбатлашиб, ҳакамлар ҳайъати билан муносабат ўрнатиб, экран рўпарасида ўтирганлар ва кўрсатув иштирокчилари ўртасида «кўприк» ярата олмасалар» деб. Эҳтимол ёшлар бу ҳақда ўйлаб кўрарлар.

Барчамизни телефон орқали айтилган хабарлар, мулоҳазалар, айниқса, қизиқтириши табиий. Кўрсатувни ким қандай қабул қилаётганини билиш, телефонда айтилаётган фикрлар билан барчани таништириш мазкур программанинг салмоғини ошириб юбориши мумкин эди. Эҳтимол, бундай катта программа режалаштирилганида кўчма телевизион станцияни бирор маҳаллага олиб бориб, гоҳ у хонадонга, гоҳ бу хонадонга кириб, «кўрсатувни томоша қилаётганингизда қандай фикр уйғонди?» каби савол билан мезбонларга мурожаат этиш керакдир. Шунда биз программа ҳақида фикр билдираётганни эшитибгина қолмай, кўрамиз ҳам ва энг муҳими, кўрсатувга берилган баҳони бевосита томошабиннинг ўзидан оламиз...

ОЙНАИ ЖАҲОНДА МОНОЛОГ ЯХШИМИ, ДИАЛОГМИ?

Ёш иқтисодчиларнинг кадрга кириб келиши, суҳбатни қоғозга қараб эмас, гап кетишига, баҳсни мавзусига қараб олиб боришлари, бир хулосага келинишидан уларнинг ўзи ҳам, мунозаранинг иштирокчилари ҳам манфаатдор эканлиги сезилиб турди. Олиб борувчи Ҳайдар Абзалов яхши мавзу берди, суҳбатдошларини тинглади, ўзи ҳам тайёргарлик кўрган, шекилли, иқтисодчилар суҳбатини фаол иштирокчиларидан бўлди. Лекин у бош муҳаррир сифатида нозик масалалар юзасидан кескин фикр айтилишига, иқтисодимиз ривожи марказга юбориладиган жамғармаларнинг миқдорини камайтиришга ҳам боғлиқ эканлигини рақамлар билан таҳлил қилиб берар [illegible] алифбосидан славян шрифтига кўчирилган. Бинобарин, уни қизиққан киши ўқиган, ўзлаштирган. Лекин ёшлар ундаги талабларга ҳозир ҳам риоя қилмаслиги маълум. Бу ҳақда улар айтишлари, ўз далилларини келтиришлари мумкиндир. Ана шундай қизғин суҳбат давомида «Қобуснома»га бўлган қизиқиш неча карра ўсиб кетишига ишончимиз комил. Бу фикрни қайд қилишимизга сабаб, ойнаи жаҳонда монолог ўз ўрнини диалогга, баҳсга бўшатиб бераётганлигини эслатиш, фикрлар хилма-хиллиги, айниқса, зарурлигини исбот этиш эди. Ҳатто «Гурунг» тележурналининг «Баҳс» деб аталган саҳифасида ҳам ҳеч қандай баҳс йўқ. Фикрдошларнинг гурунги негадир «Баҳс» титри билан берилган.

«Қишлоқ ҳақида ўйлар»ни олиб борган хушбичим, хушфеъл Саодат Қўшоқова иштирокида бўлган суҳбатлардан ҳам кўриниб турибдики, қишлоқларда ҳам бир масалага турлича қарайдиган шахслар мавжуд экан. Ёш журналист суҳбат учун танлаган жой, ўзини тутиши, самимияти билан Фарғона қишлоқларидаги аёлларни ҳам, мўйсафидларни ҳам, йигит ва қизларни ҳам баҳсга чорлайди. Саодат кадрда бўлганида гапини топиб, меъёрида гапираяпти. Кадр ортида қолиб сўзлаганида эса тасвирнинг мазмунига, лавҳаларнинг бир-бирига уланиш суръатига етарли аҳамият бермаётгандек туюлди менга.

Рўзнома саҳифасидан мазкур шарҳга ажратилган жой чеклангани сабабли барча кўрсатувларни тилга ололмадик. Ваҳоланки, Ўткир Ҳошимовнинг асари бўйича қўйилган «Инсон садоқати»ни қайта кўрсатишга қарор қилинган экан, муаллифни, айрим актёрларни ёшлар билан учрашувини таъминлаш ҳамда мавзу ва унинг кечаги талқини ҳақида баҳслашиш зарур деб биламан. Ёки «Курьер» бадиий фильми ўрнига «Ажойиб йилларимиз», «Аччиқ данак», «Содир бўлмаган воқеа» ёки «Эркаклар! Эркаклар, Эркаклар» каби ўзбек фильмларидан бирини кўрсатиб, баҳс уюштириш қанчалик зарур ҳозир! Яна бир мисол. Ҳасан Йўлдошев ва бошқа ажойиб актёрлар иштирокидаги телеминиатюраларни намойиши актёр изланиши, тақдири, телевизион театр ва томошабин талаби ҳақида фикр юритиш учун асос бўлиши мумкин эди...

Хулосамизда шуни айтмоқчимизки, ойнаи жаҳон студияси 40 кун мобайнида икки марта ёшларга ҳаво мавжлари вақтини бўшатиб берганини табриклаш керак. Биринчи гал студиянинг барча муҳарририятларида ижод этаётган ёшлар фаоллик кўрсатган бўлсалар ва кўрсатувларни юксак савияда олиб борган бўлсалар, бу гал ажратилган 14-15 соатни тўлғазиш муаммоси пайдо бўлди, шекилли, тайёр асарлардан кўпроқ фойдаланишга эҳтиёж бўлгани сезилди. 24 июнда кўрсатувларнинг жўғрофияси кенгроқ, танланган мавзулар хилма-хил, масалаларнинг қўйилиши кескинроқ эди. «Ёшлик» муҳарририяти тайёрлаган программада ҳам шундайлари бор. Лекин ҳозирча мустақил асарларга, актёрларга орқа қилинаётгани ҳам кўзга ташланди.

Катта программадаги айрим нуқсонлар ҳақида ёзмасак ҳам бўларди. Лекин кўрсатувлар умумий савияси ҳар биримизни қониқтиргани бинобарин «Ёшлик» муҳарририяти мунтазам равишда бир кунлик ҳаво мавжлари вақти ажратилиб боришига ишончимиз учун мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашдик. Эҳтимол улар ҳамкасбим — тележурналистларда фикр уйғотар...

Ҳамидулла АКБАРОВ,
филология фанлари доктори.

Хорижадан хабарлар

Хавотир исканжасида

ФОТИҲЛИК

ИРОҚНИНГ ҚУВАЙТДА НЕ ХУСУМАТИ БОР?

ҲАР КИМНИНГ ўз хонадони, мол-мулки, топган-тутгани, турмушининг равиши, урфию одати, ғамию ташвиши бор. Мен қўшнимга нисбатан яхши муносабатда бўлиш, унга омаду ривож тилаш, омонлигу хотиржамликни, умуман эзгу тилакларни раво кўришдан нарига ўтолмайман ва ўтишим ҳам мумкин эмас. Менинг осойишим — унинг осойиши, уники эса, шубҳасизки, меники. Девор-дармиёнликда ўзганинг ҳатто хас-чўпига кўз олайтириш, ички ишларига аралашиш, туриш-турмушига қизғанишу ҳасад нафақат расмий, ҳатто шунчаки одамийлик таомилу қоидасига мутлақо хилофдир. Қўшнинг тинч — сен тинч дейдиларки, бу ҳикматнинг мазмуну моҳияти осмон қадар.

Ҳаммаси кутилмаганда рўй берди. Ироқ қўшинлари Қувайт чегараларини қўпол тарзда бузиб, унинг ҳудудини, пойтахтини яшин тезлигида (мен бу сўзни қай мақсадда ишлатаётганимни биласиз) босиб олди, мустақил давлат ҳокимини ағдариб ташлади. Сабаб нима? Боис шуки, жанжалчию зўравонга баҳона озми деганларидек, аллақандай «инқилобий уюшма» мадад сўраб Бағдодга мурожаат этганмиш.

Ери билан суви туташиб кетган, дину диёнатда бир мазҳабда турган, давлатмандликда, айниқса нефть бойликлари беҳадлигида жаҳонга танилган, ҳаётий тутумлари ўхшаш қўшнилар можароси ҳақидаги нохуш, ҳатто машъум хабарни эшитганимда хаёлан бир фикрни эсладим: филнинг кучи чумолига етибди-да, зўр зўрлигини истаса-истамаса кўрсатаркан-да...

Сўнг ҳар иккаласини таққослай бошладим.

Ироқ Ғарбий Осиёда жойлашган. Туркия, Сурия, Иордания, Эрон, Саудия Арабистони ва Қувайт билан чегарадош. Форс қўлтиғи қирғоқларидан бир қисмига эгалик қилади. Майдони 435 минг квадрат чақирим. Аҳолиси 17 миллион киши.

Энди Қувайтни таққосланг: Яқин Шарқдаги давлат, Арабистон ярим оролининг кичик бир қисмини, шунингдек Форс қўлтиғидан озгина жойни эгаллайди. Ироқ ва Саудия Арабистони билан чегарадош. Майдони қарийб 18 минг квадрат чақирим. Аҳолиси икки миллионга ҳам етмайди.

Энди елкасида тоғни кўтара оладиган баҳайбат шахс япалоқдай болага зарб билан ташланганини нигоҳингиз олдидан ўтказинг. Биласизми Ироқнинг қуролланган қанча қўшини борлигини? Роппа-роса 1 миллион, яъни мамлакат фуқаролари сонига нисбатан ўн еттидан бир ҳиссаси. Жабрдийда Қувайтнинг ҳарбий кучи ўзига яраша — у жангариликни одат қилмагани учун ҳам қўшинбозлигу аслаҳабозлик сиёсатидан йироқ эканлиги ҳаммага маълум. Яна бир жиҳатини таъкидлаб ўтай: Ироқ бадавлат ва бақувват нефтдор сифатида чет давлатлардан, жумладан Совет Иттифоқи, Франция ва бошқалардан қурол-яроғ сотиб олишда тантибойвачалик фазилатларини кўз-кўз қилиб келмоқда. Денгиз тубидан симирилаётган «қора олтин», бунинг эвазига новдан қуйилиб тушаётган соф олтин соҳибига ҳадсиз-ҳисобсиз қўшин сақлаш, қурол-аслаҳа тўплаш нима дегани! Қўлнинг кирини ишқаб ташлашдек бир гап.

Ҳокимлар, уларнинг сиёсатию феъли-атвори хусусида фикр юритишни, уларни баҳолашни умуман хуш кўрмайман. Нега десангиз, ҳатто халқ орасидан чиққан ҳукмдорлар ҳам тожу тахтга эришганларидан сўнг бир гуруҳ сарой маслаҳатчиларининг фисқу фужури, қутқуси, бемаъни маслаҳатлари касрига қолиб оёқлари остидагини кўролмайдиган ҳолатга тушадилар, афкор оммадан узоқлашадилар. Фармонлар, фармойишлар, хатти-ҳаракатлар фуқаро томонидан қандай баҳоланишига бефарқ қараганларича иш тутаверадилар. Буни нафақат хорижий ҳокимлар, ҳатто ўз мамлакатимиз, жумҳуриятимиз раҳбарлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Саддам Ҳусайндек бузрук шоҳга баҳо бериш учун на ҳаққим бор, на ҳуқуқим, на ҳаддим. Лекин дунё ҳамжамиятининг аъзоси сифатида Эрон ва Ироқ ўртасидаги қонли тўқнашувлар пайтида юрак-бағрим эзилгани, ўшанда Ҳусайн ҳақида ҳам, Ҳумайний тўғрисида ҳам муайян бир хулосага келганлигимни яшириб ўтирмайман. Эрон ҳукмдори-ку «чин дунё»га равона бўлди, иккинчиси эронликлару ироқликлар хунрезлигининг, шаҳру қишлоқлар вайроналигининг, аҳли фуқаро қашшоқлигию ночорлигининг нафақат жонли гувоҳи, ҳатто бош сабабчиси сифатида Оллоҳ таолонинг маълум мамлакатдаги соҳибқирони қиёфасида давру даврон сурмоқда. Шу ўринда Қувайт фожиасининг гиж-гижловчиси Саддам Ҳусайн ҳазратлари эканлигини таъкидлаш жоиздир. 25 июлда Женевада нефтдорлар ана шу тансиқ маҳсулотни етиштириш даражасини, унинг янги нархларини белгилашганда Ироқ билан Қувайт ўртасида қўққисдан келишмовчилик чиқиб қолди. Биринчи томон иккинчиси олдига кутилмаган талабни қўйди: менинг нефть конларимдан фойдаланганлигинг учун 2 миллиард доллар миқдорида товон тўлашинг керак. Табиийки, Қувайт Бағдоднинг даъвосини инкор этиб, икки томонлама музокаралар бошлаш, жанжалли масалаларни оқилона ҳал қилиш таклифини киритди. 1 августда Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида келишув ниятида тузалган дастурхон атрофида худованди карим номлари қутбага қўшилиб ўлтирилган бўлса-да, ўзаро мақбул тўхтамга келишилмади. Аслида яна бир тўпланишга қарор қилинганди-ю, лекин Ироқнинг сабри чидамади — эртаси куниёқ Қувайт таслим этилди, тўғрироғи — босиб олинди. Яна бир далилни хотиримдан чиқмасдан туриб таъкидлаб ўтай: Саддам Ҳусайн Эрон билан Ироқ ўртасидаги уруш даврида барча араб давлатларидан олинган қарздан, яъни жами 35 миллиард доллардан воз кечишни ҳам қатъий шарт тарзида ўртага қўйганди. Машойихлар таъбири билан айтганда, ғирромга ишингиз тушмабди, кўзингизни мошдек очиб қўяди. Ироқнинг шатранжона бу ўйини ҳам мардуми мусулмоннинг «олганда — алҳамдуллилло, берганда — астағфирилло» қабилидаги ҳикматини эслатади.

Форс қўлтиғи ва унинг теварак-атрофида рўй бераётган воқеалар жаҳон ҳамжамиятини қизиқтирмаслиги мумкин эмас. Нефть бозорининг қиморбозлари худди шу ерда уя қўйишган. Гўё бўғзигача тўла ҳамён топиб олишгандек. Айтайлик, АҚШ, Ғарбий Оврупо давлатлари, бошқа нефтхўрлар иштаҳаси аждаҳоникидан қолишмайди. Ахир дунё бўйича истеъмол этиладиган ёқилғию ёнилғининг учдан икки қисми Хизир назар ташлаган мазкур қўлтиқдан олинади. Индоллосини айтсак, биз ҳам бундан бебаҳра қолаётганимиз йўқ.

Қувайт истилоси хабари тарқалиши биланоқ манфаатдор давлатларнинг, аввало АҚШ, Совет Иттифоқи, Буюк Британия, Франция, Скандинавия оролидаги баъзи мамлакатлар, даҳлсиз қитъадагилар ҳам фотиҳни қоралаб, мағлубнинг ёнини олиб майдонга чиқдилар. Матбуот вакилларига мавзу топилиб қолди. Ҳамманинг эътибори биринчи навбатда СССР билан Америкага қаратилди. Ташқи ишлар вазиримиз Эдуард Шеварднадзе ва давлат секретари Жон Бейкер шошилинч тарзда аввал Иркутскда, сўнгра Москвадаги Внуково аэропортида амалий равишда учрашиб, Ироқнинг Қувайтга хиёнаткорона ҳужумини қораладилар. Советлар мамлакати истилочига қурол-яроғ жўнатишни тўхтатиш хусусида сўз берган бўлса, Америка Қўшма Штатлари, бошқа кўпгина давлатлар олди-сотдига, бордикелдига чек қўйиш, хуллас Ироқнинг «ризқини қирқиш», вақтинча бўлса-да, «муҳтожлик ҳалқаси»га ўраб олиш қарорига келдилар.

Айбдор каттанинг таъзирини боплаб бериш, ҳимоясиз кичикнинг бошини силаш деб шунга айтадилар!

Тағин бир нотантиликка эътибор қилинг: Қувайтнинг қонуний соҳиби амир Жобир ас-Сабоҳ бутун сарой аҳли билан фатҳ этилгани устига Ироқ президенти ўз қўшинларининг Қувайтдан олиб чиқилаётгани ҳақида ёлғон ахборот тарқатди. Унинг асл мақсади ҳукму фармойиши остидаги қўғирчоқлар бошқарадиган ҳукуматни тузиш, ўзининг қўшинларидан иборат «Қувайт армияси»ни расмийлаштириб қўйишдир. Бунақа лўттибозлик, очиғини айтсак, ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Зўравонлик ва тенгсизлик илдизига болта урилаётган ҳозирги пайтда, яъни XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида Ироқ томонидан ёқилган уруш олови қувайтликлар аъзойи баданини жаҳаннам ўтида куйдираётганига шоҳидлигимиздан афсусу надоматдамиз.

Ҳар қандай жанжалнинг ўзи ёмон ва беҳосият, аммо унинг ўзгаларга таъсири, онгларда қолдирадиган асорати бундан ҳам даҳшатли. Урушларни кўраверб кўзи пишган ҳукмдорлар, элчилар, ҳарбийлар, назариётчилар ва умуман лоқайдлар Ироқ — Қувайт можароси масаласида елка қисиб, пинакларини бузмай, мўйловни қимирлатмай қўя қолишлари эҳтимол. Бироқ Саддам Ҳусайн ҳазрати олийларининг бу фотиҳлиги (сабаби нефту доллар талашишми, шиалар ва суннийлар ўртасидаги азалий бемаъни машмаша касрими — барибир) аввало қўшни мусулмон давлатларининг хавфу хатарини, Ироқдан чўчиш ҳиссини (Қувайтнинг куни эртага Сурия, Саудия Арабистони ва бошқаларнинг бошига тушмаслигига ким кафолат бера олади?) беихтиёр ошириб юборди. Иккинчиси, баҳоят хатарлиси шуки, Яқин Шарқ можаросини бартараф этиш, Араб мамлакатларининг хорижий зўравонлар ҳуружига қарши бирлигию бирдамлигини таъминлаш, Фаластин мустақиллигига эришишдек умумбашарий муштарак ишнинг бели синди. Сезаяпсизми — мен Исломга сиғинувчилар ўзаро қирғини муносабати билан Исроил ва унинг каттаю кичик шериклари думчасига сув югуриб қолганига шаъма қилаяпман. Парвардигорнинг ўзи сақласин-у, лекин Ироқ ҳудудидаги истеҳкомлар устига Тель-Авив хоҳишига кўра ажал уруғи келиб портласа борми, бундан ҳайратга тушишнинг ҳожати бўлмас. Мана сизга худонинг суннати, дейишади ўшанда исроиллик жангпарастлар.

...Биз яшаб турган макондан олис-олисларда рўй берган биродаркушликни, унинг илдизлари ва сабабларини таҳлил этар эканман, хаёл қуши ўз уйимизда содир бўлаётган даҳшатли ёнғин ўчоғига келиб қўнди. Арманлар билан озарбайжонлар ўртасидаги қирғин, Болтиқбўйи жумҳуриятларидаги бузғунчиликлар, Россия ичида авж олаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий, жуғрофий-миллий тарафкашликлар, гуржилару молдаванлар, украинлару белоруслар юртида илдиз отаётган инқирозий ҳолат — буларнинг ҳаммаси нари турсин дейдиган бўлсак, шундайгина ёнимизда, ўнгу сўлимизда дўзах ваҳимаси қуланка ташлаб турганлигидан ёқа ушлайсиз, «алҳазар, алҳазар!» дея калима келтирасиз. Қувайтда тўкилган қоннинг Фарғонада, Ўшда, Бўкаю Пискентда оққан қирмизи хундан қанақа фарқи бор? Ҳеч қандай! Бир дин, ягона мазҳабга мансуб одамлар томирида кўпирган бир рангдаги қон бу! Фақат сабабу боиси турли-турли. Жабрланган Қувайтга бутун дунё оёққа қалқиб қувват бераётган экан, биздаги биродаркушлик бутун жамиятни жунбушга келтирдими? Афсуски, бундай бўлмади. Ўзаро нари-бери гап-сўз, юзаки кўнгил сўраш, шунчаки юпатиш билангина кифояланмоқдамиз. Қани, айтинг-чи, кўпчиликнинг хўрланишига, орномуси топталишига, хонадони вайронага айланишига сабабчи гуноҳкорнинг қўлидан тутилдими, унинг айби бўйнига қўйилиб одил судловга топширилдими? Мутлақо! Олди-қочди гаплардан нарига ўтолмаяпмиз, бу эса қирғинбаротликнинг янги-янги уялари очилишига олиб келмоқда.

Оллоҳ гувоҳки, қилич билан кирган қиличдан ўлади. Хун тўкканни қон тутади. Маконнинг фарқи йўқ — Қувайтдами, Ўшдами, Фарғонадами — барибир. Буни ҳукмдор ҳам, бандаи мўмин ҳам муқаддас калима сингари дилида сақлаб, тилида такрорлаб юрмоғи зарур.

Аҳмаджон МУХТОРОВ.

ПИНОЧЕТ РЕЖИМИНИНГ ҚУРБОНЛАРИ

САНТЬЯГО. (ТАСС мухбири Валерий Задко). 1973 йил 11 сентябрдаги давлат тўнтаришидан кейин Чилида ўрнатилган генерал Пиночет ҳарбий режими ҳукмронлиги даврида минг киши отиб ташланган ва 800 киши «бедарак йўқолган» деб ҳисобланмоқда. Бу ерда бўлиб ўтган журналистлар билан учрашувда Чили ички ишлар вазири Энрике Краусс шу ҳақда гапирди. Чили ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларининг маълумотларига қараганда, отиб ташланган қурбонлар дафн этилган биродарлик қабристонларининг сони 300 тага етади, деди у.

Э. Краусс мамлакат жамоатчилигини «Сабр-бардошли бўлишга», Чили тарихининг оғир даври тўғрисидаги аччиқ ҳақиқатни «тушуниб етишга ва жиддий қабул қилишга» чақириб, ҳозир тергов олиб бораётган судьялар Пиночет диктатураси вақтида инсон ҳуқуқларини бузган барча кишиларнинг айбдорлиги даражасини белгилаб бериши лозим, деб таъкидлади.

Журналистлар билан учрашувда сўзга чиққан ички ишлар вазирининг ўринбосари Белисарио Веласко сўнгги бир неча ҳафта давомидагина биродарлик қабристонларида 48 та жасад топилганлигини айтди. Қатл этилганларнинг кўпчилиги халқ бирлиги блокининг тарафдорлари, шунингдек сўл партиялар ва касаба уюшмаларининг вакиллари эдилар.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

МАЙМУНЛАР ҲУЖУМИ

● КЕНИЯНИНГ жануби-ғарбида жойлашган Ньянза вилоятидаги Ламбуе қишлоғига маймунлар тўдаси ҳужум қилди. Уларнинг ҳаракатини кўриб, роса ҳужумга тайёргарлик кўрган бўлса керак, деб ўйлаш мумкин. Эрталаб соат 10 ларда 20 га яқин маймун бадавлат бир кишининг уйига бостириб кирди. Уй эгасини бурчакка қисиб қўйиб, тўғри ошхонага йўл олдилар. Маймунлар маза қилиб қоринларини тўйдиришгач, уй ёнида юрган товуқларни қувлай бошладилар.

Уй эгаси маймунлар товуқларни қувлаш билан овора бўлиб қолганидан фойдаланиб, яширинган жойидан югуриб чиқиб, бақира бошлади. Воқеа содир бўлаётган ерга яқин бошқа хонадонда мотам маросими ўтаётган эди. Маросим иштирокчилари югуриб келиб, «босқинчилар» ҳужумини қайтаришга киришдилар. Лекин маймунлар қочишни хаёлларига ҳам келтиришмасди. Улар яна ошхонага кириб, қолган-қутган овқатларни тугатишди. Одамларга эса дуч келган нарсани ота бошладилар. Тоқати тоқ бўлган кишиларнинг таёқларни ишга солишдан ўзга чоралари қолмади. Натижада учта маймун ўлдирилди, бир нечтаси ярадор бўлди.

УЙҚУДАГИЛАРНИ БЕЗОВТА ҚИЛМАНГ

● ШВЕЙЦАРИЯ — тунда машина ҳайдаш тақиқланган жаҳонда ягона мамлакатдир. Бу ерда ёзда соат 22 дан 04 гача, қишда эса 21 дан 05 гача тунги вақт ҳисобланади.

ҚУРОЛСИЗ БОСҚИНЧИЛИК

● ВЕНЕСУЭЛАНИНГ Барселона шаҳридаги дўконлардан бирига икки ўғри бостириб кирди. Уларнинг қўлида бирорта қурол йўқлигига қарамай, кассир барча пулни муттаҳамларга топширади. Гап шундаки, ўғрилардан бири каттагина илонни ушлаб турарди. Ўғрилар бор пулни олиб, дўкондан чиқиб кетишдан олдин илонни «эсдалик учун» қолдириб кетишди. Воқеа содир бўлган жойга етиб келган полиция ерда ётган илон ўрнига... резина ўйинчоқни кўриб, ўғриларнинг устамонлигига қойил қолишди.

Хорижадан хабарлар

Нуқтаи назар

Ушбу мақола Ўзбекистон ССР халқ депутати, шоира Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВАнинг Ўзбекистон ССР Олий Шўроси иккинчи кенгашида сўзлаган нутқи асосида тайёрланди. Рўзнома муҳарририяти жумҳурият раҳбарларининг интилишларига қарамай, тилга олинган мавзулардаги муаммолар ҳалигача ўз долзарблигини йўқотмаганлиги сабабли мақолани чоп этишни лозим топди.

УЙҒОНЧ СЎЗ ҚУДРАТИ

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
шоира, Ўзбекистон ССР халқ депутати.



Мен бугун Фарғона жароҳатлари ҳали битмаган, Бўка, Паркент яраларидан қон сирқиб турган, Ўшдаги кечаги қирғинбарот кунларда, кўтарилган халқимизнинг фиғон-фарёдлари ҳали босилмаган, мамлакат ичкарисидаги ҳарбий қисмлардан «200-юк» белгиси остидаги тобутларда хизматга кетган ўғлонларимизнинг жасадлари келиб турган бир шароитда юрагим орқамга тортиб, ўйга толдим. Биз киммиз ўзи, қаёққа кетаяпмиз?! Бизнинг она, фарзанд сифатида, инсон, миллат, халқ сифатидаги қадримиз неча пул бўлди?! Нега, бу қонли воқеаларнинг туб сабаблари очилмайди, ҳақиқий айбдорлари топилмайди? Нега, ҳар гал халқимиз жафо чекиб, «ёмон отлиқ» бўлиб, Иттифоқ матбуотининг ёлғон-яшиқ, туҳмат ўқларига нишон бўлиб қолаверади? Нима бизнинг қидирув органларимиз шул қадар суст ишлайдими, қўлидан ҳеч вақо иш келмайдими уларнинг?

Қатағон йилларида Сталиннинг «каллаклаб туриш» сиёсатига асосланган поезди бутун халқлар қатори бизнинг халқимизнинг устидан ҳам аёвсиз босиб ўтган, бор ёнган чироқларимизни ўчириб, бор-будимизни текислаб кетган эди. Шу сатрларни ёзаётганимда «Қатағон йиллар ёди» сарлавҳали шеърим хаёлимга келди:

Ўтказмадик умрни ётиб
Ё ўтириб, ўйларга ботиб.
Юрдик, ботиқ изларимизни
Шудгор қилиб текисладилар.
Ҳаммада-ку ҳар хил кўз, аён
Бир хил қилмоқ шарт бўлди баён.
Хиёл ўткир кўзларимизни
Шудгор қилиб текисладилар.
Минг дард чеккан ўзимиз силлиқ,
Минг тош теккан кўзимиз силлиқ.
Қирқ қиррали сўзларимизни
Шудгор қилиб текисладилар.
Бир хил бўлди бўй-у энимиз,
Бир хил имон, бир хил динимиз.
Хиёл тикроқ бошларимизни
Шудгор қилиб текисладилар.
Ортга боқиб сесканасан-ов,
Қани дов-бош, қани имон-дов,
Яйдоқ дала... боқмас ҳатто ёв,
Шудгор қилиб текисладилар.
Мен мозийга қўрқиб қарайман,
Тошлар туриб кетадими деб,
Бошлар юриб кетадими деб,
Текисланиб кесилган бошлар!
Бари ўтди, ўтди қирғин, дор,
Бу кун кўзим ёшин қилар сел
Фикри ўзгир бир фарзандга зор
Шудгор қилиб текисланган эл.

Қайта қуриш сўнган умидлар чироғини ёқаётганди. Халқимизнинг ўз давлат тилига эга бўлгани, қадимий хазиналаримизни қайта топаётганлигимиз, эллик, юз йиллар олдин қулатилган чинорларимиз, «ухлатилган» улуғ бобокалонларимизни «сизлаб» уйғотаётганлигимиз, халқимизнинг қашшоқликдан чиқариш йўллари изланаётганидан бошимиз осмонда эди. Афсус... қувонишга эртага ўхшаб қолди. Ў, кўргулиги кўп халқим-эй, қайси бир малҳам топмаган дардингга куяйин, қайси бир бевақт кетган мардингга куяйин?! Ўзгалардан келаётган туҳмат, маломатларгами, ўзингдан чиққан манқурт, беоқибатларгами?

Сўзимни армия хусусидаги фикрдан бошламоқчиман. Ўзбекистон Компартияси XXII съездида Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони И. В. Фуженко шундай деди: «Ёшларимиз орасида чақириқдан бўйин товлаётганлар сони ошиб бормоқда. Бу рақамни айтиш оғир бўлса-да, айтишим керакки, Ўзбекистонда 1989 йилда хизматдан бўйин товлаган йигитлар сони 1986 йилга нисбатан 4,5 баравар кўп бўлди. Бугунгача Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 2539 киши чақириқ пунктларига келмади. Жумҳуриятдан чақирилган йигитлар хизмати ҳам кўнгилдагидек бўлмаётир. 1989 йилда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган йигитларимиздан 443 киши армиядан қочди. Шу йилнинг биринчи ярмида 214 киши қочиб кетди.

Дунёнинг ҳар қандай мамлакатида бундан минг йиллар илгари ҳам аскарликдан қочиш оила учун, қишлоқ учун, шаҳар учун шармандали ҳол ҳисобланарди. Хўш, бу масалаларни ҳозир қандай ҳал этяпмиз! Айрим раҳбарлар ҳатто қочоқлар билан учрашиб, уларга пул ёрдами кўрсатмоқдалар».

Сизнингча ўртоқ қўмондон, биз уларни қандай кутиб олишимиз керак эди? Сизнинг қисмларингизда уларнинг калтаклангани, дўппослангани етмай, биз ҳам уларни калтак билан кутиб олишимиз керакмиди? Болаларимизнинг «қочоқлик» сабабини аввало биз Сиздан сўрашимиз лозим эди. Оддий мантиқий савол туғилади: инсон безмаган, қийналмаган жойидан қочадими? Озордан, калтакдан қочиш ҳар бир тирик жонзотга хос эмасми? Улар-ку фикрловчи одам боласи. Яхши-ки, 443 йигит ўз оёқлари билан қочиб келишган, йўқса эҳтимол...

1

Ҳурматли қўмондонимиз «бу рақамни айтиш оғир бўлса-да», қийналиб бўлса-да, армиядан 443 йигит қочганлигининг «шармандали ҳолигини» халққа таънали қилиб айтдилар-у, шу вақт ичида ҳарбий хизматдан ўлик қайтган 430 йигит ҳақида лом-мим демадилар. Қани бу ерда мантиқ?

«Тулпини келиб искаган
Бўтаси ўлган бўз мояман»,

деб оҳ уради Чингиз Айтматовнинг қаҳрамони Найман она. Бизнинг шўрлик оналаримизнинг ҳам оҳу-фарёдлари қўмондонни безовта қилганмикан ҳеч?

«Куйган тери ёзилмас экан, — деб ёзади Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар, Ўзбекистон кўчасида турувчи Максуда Уринбоева, — 1934 йилда туғилганман, 2 мартаба турмуш қурдим, пешонамда йўқ экан, фарзанд кўрмадим. Дунёга келганларим орзуйим, фарзанд кўриб, ортимда қолдирмиш эди. Шу сабабли худонинг зорини қилиб синглимнинг катта ўғлини бир ёшлигида сўраб олдим.

Боламни жонимда, тишимнинг кавагида асраб катта қилдим. 1989 йил 29 майда армияга жўнатдим. Вodarиғ, буёғини қандай ёзай. 1989 йил 7 август куни «боланг ўлди» деб телеграмма келди. Шу заҳоти ҳарбий комиссариатга бордим. Лекин улар «биз билмаймиз, бизга хабар беришмади» деб ўзларини олиб қочишди. Ўзимиз не ҳасратда Белоруссияга, Минскка бориб, олиб келиб 12 август куни тупроққа қўйдик. Мен энди қандай тирик юраман. Уларни медэкспертизасида ўлим сабаби ... деб ёзилган. Тобутни очдик. Боламни баданида ҳеч қандай ўқ ўрни йўқ. Орқа томонида беш жойида доғ бор, холос. Фарзанд доғида адо бўлдим. Югуриб-елиб, шаҳар Советидан тузган комиссия билан яна Минскка бордим. Ҳеч қандай натижа чиқмади. Военкоматдан боламнинг қирқида уч киши келиб кетган эди. Кейинчалик ҳеч кимни кўрганим йўқ, кўрганда нима, болам тирилиб келармиди! Шўрим қуриб қолди. Мен энди қандай яшайман!?»

«Жумҳурият фаоллари йиғилишида армияда хизмат ўташ масаласи сессияда кўрилишини ваъда қилишди. Бу сессияда умидларимиз катта эди. Она юрт фарзандларининг тақдири устида бош қотирмаган раҳбарларимизни биз кечирмаймиз», деб ёзади Андижон вилояти, Хўжаобод ноҳияси, Булоқбоши қишлоғидан Садриддин Қамбариддинов.

Афсус, биз депутатлар биринчи сессияда ҳақиқий маънода халқнинг жонкуяри бўлолмадик. Тўғри, жумҳуриятимиз ҳукумати қурилиш қисмларига олинадиган ўзбек ўғлонларининг Туркистон ҳарбий мавзеси ҳудудида хизмат қиладиган бўлишига эришишди. Москвадаги идораларга, ҳарбий қисмларга йигитларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласини кўтариб, турли-туман делегация борди ва бормоқда. Аммо ўзбек аскарларига бўлган муносабат тубдан яхшиланди, деб айтолмаймиз. Шу йил бошидан бери ҳарбий қисмларда 190 йигит ҳалок бўлди. Шуларнинг кўпчилиги биз олдинги сессияда шу масалани кўрган, жўяли, аниқ бир тўхтамларга кела олмаган кунларимизда ҳали тирик, хизматда юрган эдилар. Афсус, биз уларни асраб қололмадик.

Жойлардан ҳарбийга олиш пунктларида, ҳарбий қисмлардаги тартибсизликлар, зўравонликлар ҳақида қон қақшаб ёзмоқдалар.

«Менинг ўғлим Темиров Эркин, — деб ёзади Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод ноҳияси, Ленин кўчасидаги 7-уйда истиқомат қилувчи Абдулла Темиров, — 1969 йилда туғилган. 1987 йил мактабни битирди, икки акаси армиядалиги, ўзининг оғирлиги 50 килограммга етмагани учун отсрочка берилган эди. Лекин Қарши шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан учётда бўлмаса ҳам 17 декабрда Совет Армияси сафига олинди ва РСФСРнинг Томск шаҳридаги «Н» қисм ихтиёрига жўнатилди. Ўғлимиз уч хизматидан мамнун эди, ҳатто қисм командири томонидан 24 март 1988 йилда рағбатнома ҳам олдик. Ордан кўп ўтмай, шу йил 12 май куни қисмдан «Тез келинглар, ўғлингиз оғир» деган телеграмма олдик. (Биз 8 май куни ўғлимиздан хат олган, у соғ-саломатлиги, байрамга тайёргарлик кўришаётганини ёзганди). Воқеани ноҳия ҳарбий комиссариатига айтдик. Улар бизга ҳеч қандай ёрдам беролмаслиги, ўз ҳисобимиздан бориб келишимизни маслаҳат беришди. Биз етиб борганимизда ўғлимиз операция қилинган, ҳушсиз ётарди. Мияси шикастланиб қон қуйилганини айтишди. Сабабини суриштирдик. Қисм командири боламизни «девор орқасида ўзи йиқилиб тушди» деди. Операциядан кейин ҳушига келмаганидан госпиталга жўнатганини айтди. Болалар ҳам аввал бўлган воқеани кўриб, командирнинг гапини тасдиқлашди. Кейинроқ Раупов Ғайрат исмли бола ҳамма воқеадан хабардорлигини айтди. Воқеа бундай бўлган экан: 8 майда байрам олди парадга тайёргарлик кўриш учун взводни сафга тортиб қўйиб, 15 та ўзбек болалари ротанинг уборкаси учун қолдирилади. Ишлар тақсимланади. Ўғлим билан Хуррамов казарма полини ювишиб чиқиб кетишаётганда Какабадзе тўхтатиб, ҳожатхонани ювишга мажбур этади. Ишдан бош тортганлар калтакланади. Етакчи уриладилар. Шу куни соат 19 ларда ўғлимнинг бошига яна Какабадзе зарб билан уради. Ўғлим Рауповни чақиради. Ўғлим судралиб девор орқасига ўтади...

1988 йил 20 май куни ўғлим оламдан ўтди. Биз нурдийдамиз Эркинжонни катта ўғлим Собир билан неча азобларда 25 май куни Қарши аэропортига олиб келгач, вилоят ҳарбий комиссариатидан тобутни олиб кетиш учун бирорта машина топиб, беришларини сўраганимизда «бизда машина заводи йўқ», — деган жавоб олдик. «Оларда олар жоним, берарда чиқар жоним» экан бу дунё. Одамга алам қиларкан. Мен ватан ҳимояси учун ўйнаб-кулиб юрган гулдай ўғлимни жўнатиб, унинг ўлигига эга бўлиб ўтирсам-у, на ноҳия ҳарбий комиссариати, на ноҳия фирқа ташкилотларидан унинг таъзиясига бирорта одам келмаса. Шикоят қилиб ёзмаган жойим қолмади. Арзларим натижасиз қолди. Мана орадан икки йил ўтаяпти. Квитанция ва билетларни олган ноҳия комиссариати ақалли йўл харажатларини ҳам тўлагани йўқ. Кўп нарсани тушунгандайман. Биргина бизнинг ноҳияга кейинги икки йилда 10 та тобут келди...».

2

1987 йил 13 майда Қизилтепа ноҳиясининг «Сарой» қишлоғида яшовчи ўн болали «Қаҳрамон она» Тоҳира Сафарова ўғли Тўлқиннинг ўлими ҳақида «қора хат» олади ва шу куниёқ юраги ёрилиб жон беради. 14 майда она кўмилади. 18 майда ўғил. Ўлган ўлиб кетмайди, тирикларни ҳам ўлдириб кетади.

Бу хатлардаги оҳ-фарёдлардан, қаҳру-нафратлардан бошим айланиб, яна ҳурматли қўмондоннинг нутқларидаги сўзларга диққат қиламан:

«Жумҳуриятда социализмга, армияга қарши, миллатчилик ва бузғунчилик ғоялари, чақириқлари қўллаб-қувватланмаганлиги ва ёйилмаганлигининг ҳам гувоҳи бўлиб турибмиз. Айрим мақолаларнинг, хусусан, комсомол рўзномаларида ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»даги мақолалар муаллифларининг армиядаги иллатларни пеш қилиб жамиятда армия хизматига барқарор салбий муносабатларни тарқатиш йўлидаги уринишлари жумҳурият аҳолисининг кўпгина қатламлари орасида қораланди, жангчиларнинг сафларида эса ғазаб ва нафрат уйғотмоқда».

Бу фикрларнинг қайси бирига ишонайлик? Рост билан ёлғоннинг чегараси қаерда ўзи? Қайси манқурт халқ у болаларининг кети кўринмаётган тобутларини қабул қилиб туриб ҳам бу ҳақда жони куйиб гапирганлардан ғазабланадиган?!

Ҳар ким масалага ўз нуқтаи назаридан ёндашади. Ўз кўзи билан, ўзи кўрмоқчи бўлганларини кўришни истайди. Бу воқеалар эҳтимол қўмондонимиз назарида шунчаки «армиядаги иллатлар»дир, аммо бизнинг назаримизда буларни эндигина чимилдиққа кириб куёв бўлиш, фарзанд кўриш, халқимизга халқ қўшиш арафасида турган ўғлонларимизни бевақт жувонмарг бўлаётгани, ўзимизнинг халқ сифатидаги қадримизни поймол этилаётгани, ерга урилаётгани деб тушунамиз.

Биз ҳаммасига, мамлакатнинг пахтага бўлган эҳтиёжини қоплаш учун ўчоғимизнинг бошигача пахта экиб, унга сарфланадиган қора меҳнатимизни, пилла ва бошқа экинларга кетадиган меҳнатимизни бошқа регионларга нисбатан ярим баҳосига ҳам етмай баҳоланса-да, ер ости, ер усти бойликларимиз, бор-будимиз сув текинга кетаётган бўлса-да, тишни-тишга қўйиб чидаб келаётгандик. Аммо энди, жон ришталаримиз узилаётган экан, бизнинг халқ сифатидаги давоимизга зарб тушаётган, болаларимизнинг умри ҳайф кетаётган экан, биз бунга чидамаймиз!

Осмонда қушим йўқ, болам
Бошимда ҳушим йўқ, болам,
Қолган дунёсини бошимгаураймми,
Сен боякишим йўқ, болам.
Пешонамни шўр қилган
Кўрар кўзларимни кўр қилган
Тобутдаги мўндак болам-эй,
Қайда қолди оёғинг қирқилган!!
Бир катта элнинг олди, болам,
Ким темир тобутга солди, болам!
Кўзмунчоқлар тақиб ўстирувдим-ку,
Қўлларинг қаерда қолди болам!
Энг тўлган ойида йўқ, болам,
Боши-да, пойи-да йўқ, болам,
Бир ўпиб жонига жон қўшай десам,
Лаблари жойида йўқ болам.

Айтишларича, қатағон йилларида ҳар бир вилоят, ноҳияларда «халқ душман»ларини тутиб бериш бўйича режалар белгиланар, ўшанда ҳам уни бажаролмаган ёки ошириб бажарганларга қилмишларига яраша муомала бўларкан. «Уқувсиз» раҳбарларга «планни ошириб бажариш» йўллари ўргатиларкан. Бугунги бизнинг армиямизда ҳам шундай режа борга ўхшайди. Йўқса икки акаси ҳарбийда юрган, ўзининг оғирлиги 50 килограммга етмаган болалар ҳам инсоннинг конституцион ҳуқуқларига хилоф равишда зудлик билан армияга жўнатиламмиди?!

Ақлимизни танибмиз-ки, «планни бажариш» устида қайғурамиз. Ўзбекнинг узоқ йиллар жонини жабборга бериб ишлаб, сурункасига «пахта планини ортиғи билан бажариб» қандай обрў топганлигини бугун кўриб турибмиз... Биздагидай кўп сонли армия ер юзидаги ҳеч бир мамлакатда йўқ. Биз армиядаги аскарлар сонини кескин қисқартиришни ва унинг сафлари ҳалоллик билан, соғлом болалар ҳисобига тўлдирилишини талаб қиламиз.

«Московские новости» рўзномасининг 1990 йил 3 июнь сонида, «Аскар оналари қўмитаси»нинг «Ўғилларимизни жувонмарг қилишга йўл қўймаймиз» мақоласи эълон қилинди. Унда шундай жумлалар бор: **«Аскар оналари бугун «Мудофаа вазирлигидан, депутатлардан, матбуотдан жавоб излайдилар, инсон ҳаёти билан ўйнашишдек бедодлик армияда кимнинг айби билан содир бўлмоқда. Аскар мактубларида, ота-оналарнинг аскар оналари қўмитасига келаётган арзномаларидан шу нарса аён бўлмоқдаки, ҳарбий қисмларда ҳали-ҳамон, қайта қуришнинг олтинчи йилида ҳам ёш аскарларни таҳқирлаш, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган азобларга гирифтор қилиш давом этмоқда. Ота-оналар бизга болаларининг калтакланиш натижасида ичи эзилиб ўлганликларини ёзмоқдалар. Зўравонлар кўнгли нимани хушласа шуни қилаётган қисмлар ҳақида ёзмоқдалар. Ҳарбий раҳбарият эса бу ҳолга лоқайд қараб келаётир, аскар ҳақида бўлса улар касалликни ёки бахтсиз ҳодисани рўкач қилишдан нарига ўтмаяптилар. Ахир йиқилиб тушди, ёки чўкди деб тирик одамни рўйхатдан ўчиришдан осон нарса борми! Ҳатто бевосита жисмоний зуғум бўлмаган қисмлардан ҳам ўсмирлар бизга: билмадим, бу таҳқирни кўтаришга охиригача бардошим етармикан, деб арзи-ҳол қилмоқдалар. Бадмастлик, тошбағирлик, ҳарбий «тарбия»нинг натижаси ана шулар бўлмоқда.**

Мудофаа вазирининг ҳарбийга чақириш ҳақидаги навбатдаги қарори эълон қилинди. Биз оналар болаларимизни ўз қўлимиз билан ўтга, чўққа, жаҳолат мактабига топшира оламизми! Дориламон даврда ҳарбий хизматга эркаклар фақат кўнгилли равишда боришлари керак. Армияга, флотга, ИИВ ва ДХҚ қўшинлари сафига хизматга чақирилганларнинг ҳаёти ва соғлиғи 50-100 минг сўм миқдорида суғурта қилиниши керак.

Барча аскар оналарига мурожаат қиламиз. Бормисиз, овоз беринг! Казармаларга зор қақшаб, тиловчи бўлиб келмаслик ҳуқуқини қўлга киритиш учун қисмларга яқин бўлган қўмиталар, аскарларга ёрдам бериш кенгашлари атрофига уюшайлик. Армия маъмурлари сир сақламоқчи бўлган нарсалар онаизорлар кўзидан пинҳон бўлиб қолмагай.

Аскар оналари қўмитаси топшириғига биноан: В. Мельникова, Л. Кузнецова, Г. Карташева».

Бизнинг жумҳуриятдаги оналарнинг дарди, фиғони ҳам ана шундай.

Халқда «куйгандан кулли бало чиқади», деган гап бор. Иззатли оналаримизнинг юқоридаги таклифларига ҳам шундай маънода қўшилиш мумкин. Аммо, бу суғурта пуллар ҳам ишлаб чиқаришдан олиниши керак, тўғрими, яна шу эзилган халқ елкасига юк устига юк ортаверишдеган гап бу. Аммо бундан халқ болалари тақдирига бул қадар совуққон тошюрак сипоҳилар-у, қўмондонлар қандай зарар кўради — ҳеч қандай! Шундай бўлгач, айтиш мумкин-ки, бу чора аҳволни яхшилашда ечим бўлолмайди. Ўзбекларда «туманни туртмасанг билмайди» деган ҳаққоний гап юради. Бугун ўшандай «туртадиган», раҳбариятни сергаклантирадиган чоралар қўлланиши керак.

3

Бир одам бу бебаҳо дунёга келиб топган топилмас бойлиги, ўн саккиз йил еру-кўкка ишонмай катта қилган зурриёдини жамиятга ишониб армияга жўнатса-ю, жамият унга боласининг ўлигини келтириб берса, ҳайрон қоларли жойи шундаки, бу ҳолга шундай бўлиши табиийдай қаралса?

Йўқса, съездда сўзга чиқан ТуркВО қўмондони ўртоқ Фуженко «қочоқ» болаларини эслатиб, халққа таъна қилишдан олдин боласи ўлиб бағри куйиб қолган бирорта ота-онадан бир оғиз кечирим сўрамасмиди?!

Бир йилда 430 ўлим. Бу деган сўз жумҳуриятимизга ҳар куни 1, баъзан 2 тадан тобут келиб турган. Анжуманда бу воқеалар хусусида халққа ҳисоб бериши, жавоб бериши керак бўлган қўмондонимиз эса бу ҳақда эсламадилар ҳам. Худди ҳарбий қисмларда ҳамма иш жойидадай! Ҳеч кимнинг бурни ҳам қонамагандай!

Армияда аскарларнинг инсоний ҳуқуқлари қатъий ҳимоя қилинмас экан, ўзларининг ҳаёти хавф остида экан, ундай армиянинг Ватанни ёвдан ҳимоя қилишига ишониб бўлмайди. Бизнинг амалий таклифларимиз мана бундай:

1. Ҳар бир оддий аскарнинг нобуд бўлишига (асосий айбдордан ташқари) ҳарбий қўмондонлар, қўшин, бўлинма, рота, взвод командирларининг айби деб қаралмоғи, ҳамда ҳар бир содир бўлган фавқулодда ҳодиса учун улар жавобгарликка тортилмоғи керак. Кўрилган чора-тадбирдан халқ огоҳ этилсин.

2. Сессиялар оралиғида ҳарбий қисмларда содир бўлган ҳар бир ўлим ҳодисаси учун ТуркВО қўмондони депутатлар олдида жавоб берсин.

3. Аҳвол шу даражада оғир, аскарлар ўлими узлуксиз содир бўлиб турган экан, жумҳуриятда ишлаб турган «фан ва маданият», «тиллар ва миллий муносабатлар», «оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» комиссияларига ўхшаш алоҳида, аскарлар ҳаёти билан шуғулланувчи катта комиссияси иш бошлаши керак.

4. Армия тез фурсатларда профессионаллашуви керак. Акс ҳолда ота-оналарнинг бундай охирининг бахайрлигига ишониб бўлмас «мардикорликка» болаларини жўнатишдан бош тортишларини ҳақли, деб қараймиз.

Буларга қўшимча яна бир таклиф: мустақилликка ўтиш хусусидаги гаплар, бозор муомалалари масалалари кириб келаяпти ҳаётимизга. Муносабатлар аниқ ҳисоб-китоб асосига қурилар экан, жафокаш юртимизнинг ҳам бор-буди, ер ости, ер усти бойликлари тақрон қилингунча ташиб кетилмай, уларни ёпиш, консервациялаш муддати тезроқ, аниқ белгиланиши керак. Ҳар ҳолда тупроғи, суви, ҳавосининг таркиби бузилган, ёлғизгина Ороли туз пуркаб турган, болалари нимжон, аёллари меҳнаткаш, касалванд юрт ўз бойликларининг қолган-қутган қисмидан тежаброқ фойдаланса ёмон бўлмасди.

«Кўзларни тийра очиш керак» дейди: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасида ҳарбий қисмлардаги аҳвол мавзуини дастлаб кўтарганлардан бири шоир Карим Баҳриев. Жафокаш Ўзбекистоннинг Ўзбекистон бўлмоғи, унинг фарзандлари қаддини тикламоғи учун халққа «уйғонч сўз» айтаётган бундай қаламкашлар, зиёлилар, бундай нашрларга маломат тошлари отиш ўрнига уларни қўллаб-қувватламоғимиз керак эмасми? Қачонгача биз «милтиллаб» бўлса-да, йўлимизни ёритишга уринаётган ўз чироқларимизни ҳимоясиз қолдирамиз, уларни ўз қўлимиз билан ўчирамиз?!

Иттифоқ матбуоти «ёмон отлиқ»қа чиқариб қўйган Ўзбекистон шаънини оқлаб, дардларини даволаб олиш учун, маломатлар, ноҳақликлар юкидан эгилиб бораётган халқимизнинг қўлтиғига кириб, қаддини тиклаш учун оёққа туришга тўғри келади. Биз шунга тайёрмизми?!

Мен бугун узун тун бўйи шу ҳақда ўйладим. Ухламадим...

4



Дугоналар

Суратчи: Ж. БОВОРАҲМАТ.

Долзарб мавзу

ТАҚЛИДЧИЛИКДАН КЕЧАЙЛИК

Қайси юртнинг халқи қандай яшаётганини билмоқчи бўлсанг, ўша юртнинг бозорини кез деганлар. Ҳақиқатан ҳам бу гапда жон бор. Чунки қайси юртга бориб бозорини кўрсангиз, ўша юртнинг деҳқони, ҳунарманди нимага қодир эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Азалдан юртимизга қадам ранжида қилган сайёҳлар ўзбек бозорларига тан беришган. Расталардаги ширин-шакар ноз-неъматларни кўриб, ўзбек деҳқонига таҳсин ўқиганини кўп эшитганмиз. Мен бугун сизларга бозордаги нарх-наволар ҳақида гапирмоқчи эмасман. Нарх-навони белгилаш деҳқоннинг иши. Чунки меҳнатни у қилади.

Мени ташвишга солган нарса пойтахтимиздаги энг катта бозорлардан бири Эски шаҳарнинг Октябрь ноҳиясидаги колхоз бозорининг янги қурилган биноси. Тўғрисини айтганда бозор қурилиши бошланганда қувонгандик. Лекин гумбазли, минглаб сўмга қурилган бозорга кириб ҳафсалам пир бўлди. Бозорга кириш учун аввал 50—60 зинадан кўтарилиш керак. Бизга ўхшаб ёши қайтган кишиларга бозорга киришнинг ўзи қандай азоблигини айтиб ўтирмайман. Бозор ичига киришингиз билан ҳамма томони берк, гўё зиндонни эслатади. Ичкаридаги бақир-чақирлар, мева-чеваларнинг сассиқ ҳиди димоғингизга урилиб ёзнинг иссиғида кайфиятингизни бузади. Узум ёнида аччиқ қалампир, шафтоли ёнида тузланган бодиринг сотилмоқда. Кўпгина деҳқонлар раста етмаганидан йўлак устида ўтириб маҳсулотларини сотишмоқда. Бозордан чиққунча 10—15 кишига урилиб кечирим сўрайсиз. Сал эҳтиётсизлик қилсангиз бировнинг қўлидаги нарсани уриб юборасиз ёки ўзингизнинг қўлингиздаги тарвуз ёки қовундан айриласиз.

Шарқ бозорлари азалдан кенг, очиқ жойда бўлади. Тўғриси, Октябрь ноҳиясидаги колхоз бозорининг янги биноси Шарқ бозорига ўхшамайди. Тўғрисини айтиш керак. Бундай ҳамма томони бетон билан қурилган қишда совуқ, ёзда иссиқ бозорлар жумҳуриятимиз иқлимига сира тўғри келмайди. Жумҳуриятимизда азалдан қиш кунлари ҳам усти ёпилган ўзбекона расталарда савдо қилиб келинади.

Жумҳуриятимиз оғир иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечираётган бир пайтда Октябрь ноҳияси колхоз бозорини қуриш шартмиди? Бозорни қуришга кетган маблағни, унинг атрофида яшаётган хонадонларни газлаштиришга сарфлаганда халқнинг дилидаги иш бўларди. Ҳаммага маълум бозор учун 3-4 маҳалла бузиб ташланди. Янги қурилган Болалар дунёси дўкони, нон заводи, дорихона, ноёб ёдгорликлар маҳкама масжиди йўқ қилинди. Бу йўқотилган биноларни қуриш ва йўқ қилиш учун давлатнинг қанчадан қанча маблағлари йўқ қилинмади дейсиз. Хўш, Европача усулда усти ёпиқ бетондан янги бозор биноси қурилиб, нимага эришилди? Агар эски бозор қайтадан ремонт қилиниб, унинг ичидаги яроқсиз бинолар ўрни текисланиб бозор ҳудудига қўшилганда айни муддао бўларди. Бозор кенгаярди. Давлатнинг минглаб сўмлари кўкка совурилмасди. Октябрь ноҳиясидаги колхоз бозорининг янги биноси умуман бугунги кун талабига жавоб бермайди. Бу фақат менинг шахсий фикрим эмас. Аслида бу бозорнинг янги биносига кирган ҳар бир харидор ва деҳқоннинг фикридир. Шундай экан минглаб сўмлар сарфланган бозорнинг янги биносини қайта жиҳозлаб бирон ўзбек миллий ансамблига бериш керак. Ёки халқ муҳокамасига қўйиб, халққа манзур бўладиган бирон севимли масканга айлантириш керак. Бозорни эски жойига қайтариш керак.

Аслида эса пойтахтимизда қуриладиган ҳар қандай нуфузли бино халқ билан маслаҳатлашиб, миллий руҳимизга мос ҳолда қурилмоғи шарт. Шундагина қад кўтарган ҳар қандай бино шаҳримиз чиройига чирой қўшиб ҳуснига ҳолдай ярашади.

Асрлар оша давом этиб келаётган миллий меъморчилигимиз фойдаланилмай, иқлимимизни ҳисобга олмай кўр-кўрона европача усулда қурилган ҳар қандай осмонўпар бино ҳам шаҳримиз кўркига кўрк эмас, балки сўгал бўлади. Бас шундай экан тақлидчиликдан, нусха кўчиришдан кечайлик. Асрлар бўйи яшаб келаётган миллий меъморчилигимиздан фойдаланайлик. Агар шундай қилмас эканмиз, келажак авлод олдида қарғишга қоламиз.

Абдулазиз ҲИДОЯТОВ,
пенсионер.
Тошкент шаҳар Соғбон кўчаси, 9-боши берк кўча, 5-уй.

Ҳотира

НИГОҲЛАРДАН ТЎКИЛГАН ҲАЙРАТ



Мусаввира Гулнора Раҳмонова ҳақида мақола ёзмоқчи бўлиб бораётганимда, руҳим тетик, кайфиятим кўтаринки эди. Сиз азиз муштарийларга, Гулнора опанинг яхши асарлари, ажойиб хислатлари ҳақида ҳикоя қилмоқчи эдим. Мусаввира менинг бу таклифимдан хурсанд бўлар, деб ўйлагандим. У бўлса рад қилди. «Раҳмат, Исломжон», деди. «Мен ҳали ёзишга арзигулик иш қилмадим», деди. Худди қоронғу йўлакда узоқ юриб, кутилмаганда ёруғликка чиқиб қолгандек ҳис қилдим ўзимни. «Ё ҳазил қилаяпти, ё ёлғондакам камтарлик», дедим ўзимча. У эса ростакамига рози бўлмади. Аввал ҳайрат билан қарадим. Кейин ҳавас (балки ҳасад) билан. Ўзимни, ўзгаларни мусаввира ўрнига қўйиб кўришга ҳаракат қилдим. Ўзимдан, ўзгалардан сўрадим. «Сен қандай йўл тутардинг». Ўзимга «ўзим» аниқ жавоб беролмадим. Ҳар ҳолда мухбир сени мақташ учун келса-ю, уни рад қилиш. Менинг эндигина бошланаётган журналистик фаолиятимда «ноёб» ҳодиса эди бу...

Мусаввира ҳазин овозда илтимос қилди. «Исломжон, агар иложи бўлса дўстим ҳақида ёзсангиз. Мен сизга у тўғрисида сўзлаб берсам...» У узоқ сўзлади. Мен жимгина эшитдим. Сўнг қўлимга саккизта асарнинг суратга туширилган нусхасини берди. «Бу ундан бизга қолган мероснинг мингдан бири... Мана бу энг сўнгги асари...» Мен шундагина мусавиранинг эзгин оҳангда сўзлашига берилиб кетиб, ўтган замон феълида сўзлаётганига эътибор бермаётганимни англаб қолдим. Ич-ичимдан нимадир чирт узилгандек бўлди. Унинг менга тикилиб турган ёшли кўзларидан кўзимни олиб қочдим. Сўзларини таҳлил тарозусига қўйдим.

«...Адолат опа, бизга ҳам опа, ҳам сирдош дугона эди. Бирор асаримиз рўзнома-жаридa ёки кўргазма орқали халққа етиб борганини эшитса, ўзимиздан кўпроқ, у киши хурсанд бўлардилар. Талабалик йилларимизда у кишининг Қибрайдаги ҳовлилари биз учун, ҳам ижодхона, ҳам асарларимизни сақлайдиган архив, ҳам дала ҳовлиси эди. Оиласидагилар ҳам, ҳамиша қучоқ очиб кутиб олишарди... Адолат опа ўз умрларини мусаввираликка қурбон қилдилар. Ҳали турмуш ҳам қурмаганди...»

Юрагимга ханжардек санчилган илк савол, «нега эди?» Мусавиранинг кўзларида ёш айланади. Менинг «нега эди?», саволи қотган нигоҳим уни таъқиб этади. Ёш тўла кўзлар ердан нажот қидиради. Тетик руҳим, кўтаринки кайфиятим, худди бўйнига тош боғлаб сувга ташланган гунохкордек, андуҳ дарёсига ғарқ бўла бошлайди...

Қўлимдаги суратларга тикиламан. Улардан таскин-тасалли, «нега эди?» деган саволимга жавоб ахтараман...

Тоғ ёнбағри. Ҳайқириб оқаётган сой. Сойнинг у бетида оппоқ соқолли тоғбобо ёнбошлаган. Бу бетида мўъжазгина қишлоқ. Кўчалари қинғир-қийшиқ. Тупроғи ўйнаб ётибди. Уйлари пақир-пастак. Бирлари лойсувоқнинг устидан бўлса-да, оқланган, бирлари шундайича турибди...

Ҳалича ҳайратлари ҳасадга айланмаган қишлоқликлар сой томон шошишади. Сой бўйида сочларини шамол тортқилаётган қиз, атрофига одамлар тўпланаётганини сезмайди. Нигоҳи узоқ-узоқларга қадалган. Ҳаяжонданми, энтикади. Лаблари нималарнидир шивирлайди. Олдидаги уч оёқли тахтага маҳкамланган оппоқ матога жон киргандек бир силкиниб олади. Қизнинг қўлларидаги... йўқ, йўқ, нигоҳидаги, юрагидаги ранглар оппоқ мато узра тўкила бошлайди. Борган сари ранглар тиниқлашиб, тасвирлар аниқлаша бошлайди. Ҳорғин ёнбошлаган тоғбобо, телбаланиб оқаётган сой. Сокин қишлоқча. Самимий, дилкаш одамлар мато юзига кўчадилар...

Уларни мангуликка муҳрлаб бўлган мусаввира, енгил тин олади. Қошлари узра ёйилиб, эркалик қилаётган сочларини, бир силташда орқага олади. Бўёқ юқи қўллари билан юзидаги терни сидиради. Юзига бўёқ чаплашганини сезмайди. Қўллари беихтиёр чап кўксини силайди. Лаблари шивирлайди. «Чида. Яна озгина чидаб бер. Ҳали қиладиган ишларим бор». Юрак тинчимайди. «Етар, дам бер», дейди. «Чарчадим», дейди. Мусаввира саркашлик қилади. «Йўқ», дейди. «Чарчашга ҳаққинг йўқ», дейди. «Чарчашга ҳаққим йўқ» дейди...

У яна ранглар оламига саёҳатга чиқади. Атрофини ўраб турганлар унга ҳайрат, ҳавас билан тикиладилар. Аллақайлардаги улкан шаҳарда эса «дўстлари» унга ҳасад қилади. Ғийбатнинг жирканч итларини унинг ортидан гиж-гижлайди. У бўлса эътибор бермайди. «Одамлар яхши», дейди. «Ҳаёт, яшаш нақадар яхши», дейди...

Оппоқ мато узра ранглар йиқилади. Йиқилган ранглар тасвирга дўнади. Ана кўкка етаман, деб ўсган азим дарахтзор. Дарахтзорнинг бир четида мунғайган уй. Пойдевори тўкилиб кетган. Қаттиқроқ шамол бўлса босиб тушгудай. Ана шу манзара сизга ҳеч нарсани эслатмаяптими? Нега у бунчалик дарднок? Ахир бизда замонавий қишлоқлар кўп-ку, деган савол ич-ичингизда ғимирламаяптими?! Бу саволга мусаввира жавоб беролмайди. Мен эса ўзимча тахмин қиламан. Бу бизнинг «турмуш шароити, шаҳарга тенглашган» қишлоқларимизнинг фарёди эмасмикан?! Бу мусаввиранинг қўғирчоқ «даҳо»ларга, ёлғон ваъдаларга, тенгсизлик томир ёйган жамиятга қарши исёнидир, балки?! Аниқ бир нарса деёлмайман...

Суратларга тикиламан. Номаълум ҳинд кишиси, дарвешсифат йигит. Йигитнинг нигоҳида дард, изтироб, ғазаб, яна мен англолмаган аллақандай сирлар қотиб қолган. Ким билади дейсиз, балки у дарвеш эмасдир. Балки, сиз-у менга ўхшаган оддий, соппа-соғ инсондир. Балки, мусаввира биз юракларимизнинг туб-тубидаги, қўрқув аталмиш сандиққа жойлаб қўйган «бойликларимизни», шу дарвешнамо йигитнинг нигоҳларига жо қилишга интилгандир. Мен яна тахмин қилаяпман. Мусаввира нима демоқчи эканини энди бир умр англаб етолмаймиз. Ҳар доим бўлганидек яна кечикдик...

Мен суратлар орасида машҳур кишиларни учратмадим. Шунда сездимки, ғайри ихтиёрий равишда, бирорта эл биладиган одамни қидираётган эканман. Бу ҳам биз, бугунги кун ижодкорларига хос бўлган иллат. Бир вақтлар вилоят рўзномасига, оддий чўпон ҳақида очерк олиб боргандим. Рўзнома ходими қораламамни ўқиб бўлгач, сўраганди. «Ахир бунинг ҳеч қандай орден-пордени йўқ-ку?» Мен ходимга «чўпон етмиш йилдан бери қўй боқади. Ҳалол, покиза одам» десам, у «саксон йил қўй боқса ҳам очерк бўлишга арзимайди», деб қораламамни қайтарган эди. Ўшанда чўпоннинг ўрнига ўзимни қўйиб кўриб, ўксингандим. Бугун англадимки, ўша ходимдаги иллат менга ҳам юқибди. Мен ҳам мусаввиранинг асарлари орасидан «кимнидир» қидираётган эканман. Ўйлаб қарасам мен биладиган мусаввирларнинг ҳаммасида ҳам қайсидир бир, хоҳ бугунги бўлсин, хоҳ ўтмишдаги шоир, ёзувчи ёки бирор эл биладиган арбобга бағишланган асар бор. Балки, шундай бўлиши керакдир ҳам. Ҳар кимнинг ихтиёри ўзида-ю, лекин оддийликдан, улкан нарсалар кашф қилиш (ҳеч бўлмаса ҳаракат қилиш) барибир яхшидек назаримда.

Қўлимда мусаввира ишлаган энг сўнгги сурат. Нигоҳлари бир нуқтага қадалган, сочлари патила-патила йигит. Йигитнинг қарашида ўксинишми, илтижоми, узр сўраш илинжими, ўз-ўзидан норозилик ҳиссими жилваланади. Сурат остига унинг кимлиги ҳам ёзилмаган. Мен яна тахминларга эрк бераман. Балки, у мусаввира ўттиз олти йил кутган шоҳсувордир. Балки, мусаввира уни кутиб юриб-юриб, энди келмаслигига ишонч ҳосил қилган-у, суратга муҳрлагандир. Сурат шу йил апрелининг бошларида ишланган. Балки, мартнинг сўнггидаги хотира кунларида мусаввира уни қалбига дафн этгану, ўзи ҳам тезда уни излаб кетишини сезиб, сўнгги кучларини унга сарфлагандир. Балки...

Тахминларимни жиловлаб, қаршимда ўтирган Гулнора опага қарайман. У кўз ёшларини сидириб «агар ёзадиган бўлсангиз, Адолат опа ҳақида тўлиқроқ гапириб берай», дейди. «Адолат Комилова 1954 йилда Тошкент вилоятининг Орджоникидзе ноҳиясида таваллуд топган... Фалон олийгоҳ... Фалон-фалон шаҳарлардаги фалон кўргазмалар...» Мен Гулнора опанинг сўзларини бўламан. «Келинг», дейман. Биз ҳам худди Адолат опадек, адолатли бўлишга интилайлик. Ахир инсонни хотирлаш учун, уни қаерни тугатгани-ю, қайси кўргазмада ғолиб бўлганини санаш шарт эмас-ку. Энг асосийси у яхши инсон бўлган. Атрофга ўз кўзи билан қараган. Ўзича курашган. Кимнидир ютган, кимгадир ютқазган. Балки, атрофдагиларни маънан ютиб кетгандир. Агар юрак оғриғи (инфаркт) уни орамиздан олиб кетмаганида ҳали кўп ишлар қилармиди. Ўттиз олти йил сиғинмагани — шуҳрат чўққисига ўз-ўзидан чиқиб кетган бўлармиди. Йўқ, булар ҳаммаси майда гаплар. Адолат опа энг асосийсига улгурган. У атрофидагиларнинг, дўстуғанимларининг юрагида, ўзига хос ҳайкал қўйиб кетган. Бу ҳайкал сизу-бизни доимо сергакликка, ҳаётга, яхши-ю, ёмон кўргуликларга нисбатан зийракликка, сабру-матонатга, ҳақиқат учун курашга чорлаб туради...

Қайтишимда Гулнора опа қўлимга мусаввиранинг ўз суратини берди. Камондек тортилган қошлар. Ниманидир айтишга жуфтлангандек қимтилган лаблар. Оламга тўймаган, одамларни суйган, ҳайрат тўла нигоҳлар...

Ислом ҲАМРО,
«Ёш ленинчи» мухбири.



Самарқанд божхонаси хизматчиларининг ҳозир қўли-қўлига тегмайди. Чунки айни ёз палласи эмасми, келиб-кетувчилар кўп. Айниқса, чет элга жўнаб кетаётганларнинг юкларини синчиклаб текшириб кўрилмаса бўлмайди. Беш бармоқ баравар эмас-да! Кетувчилар кўп. Шунинг учун мазкур божхона тасарруфига бўйсунувчи яна битта участка Улуғбек темир йўл станциясида иш бошлади.

СУРАТДА: Самарқанд божхонаси инспектори Сандғани Аъзамов иш устида. Дастлабки текширувлар чакки эмас.

Р. ҒАФУРОВ сурати.

ЯНГИ МАГАЗИН

Андижоннинг янги қурилаётган бешинчи микрорайонида янги универсал магазин очилди. Савдо майдони салкам бир ярим минг квадрат метрни ташкил этган. Савдо залларида ўзига-ўзи хизмат кўрсатилади. Ветеранлар ва ногиронлар учун махсус бўлим, дам олиш хонаси бор. Буюртмалар хизмати ва қаҳвахона очилди. Андижон тиббиёт институти жамоаси ҳам катта озиқ-овқат магазинига эга бўлди.

Андижонда шаҳар савдо бирлашмаси магазинларининг сони 150 тадан ошиб кетди. Бирлашма жамоаси белоруссиялик ҳамкасбларининг илғор усули асосида харидорларга комплекс хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. Бу ерда озиқ-овқат маҳсулотларигина эмас, шу билан бирга хўжалик ва рўзғор буюмлари билан савдо қилинмоқда, қаҳвахона ва буфетларда тамадди қилиб, ҳордиқ чиқариш мумкин.

Терма команда Италияга жўнайди

СССР терма командасига янги бош тренер (Анатолий Бишовец) сайланганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Миллионлаб мухлислар ишончи Италияда оқланмади. Ҳали бу жаҳон чемпионатининг «сабоқ»лари кўп баҳсларга, тортишувларга сабаб бўлиши тайин. Эндиликда аввалги тренерлар тартиби бутунлай ўзгарди десак янглишмаймиз. Чунки янги сайланган тренерлар ўзларидан олдин ишлаган раҳбарларнинг йўл қўйган хатоларини имкони борича такрорламасликка ҳаракат қилишлари зарур. Чунки ҳозирги кунда мамлакатимизда футболнинг аҳволи қай даражада эканлиги ҳаммага маълум. Бир ёқда иқтидорли ўйинчиларимизнинг чет эл командалари билан ўзаро шартномалар тузиб, жўнаб кетишаётгани мухлисларни ҳам қувонтиради, ҳам ташвишга солади. Майли, ҳаммаси ўз йўлига. Командамизнинг янги бош тренери нималарга қодир эканлигини эса вақт кўрсатади.

Ҳозир командамиз раҳбарлари ўз режаларини белгилаб олишяпти. Чунки олдинда янада масъулиятли синовлар турибди. Улар 12 августда навбатдаги сафарга жўнайдилар. Италияда маҳаллий клублар билан бир қанча учрашувлар ўтказиш мўлжалланган. Бош тренернинг хомчўтига қараганда, команда таркиби қуйидагича тузилди:

Александр Уваров, Михаил Еремин, Валерий Клейменов — дарвозабонлар. Василий Кульков, Ерванд Сукиасян, Андрей Юдин, Олег Кузнецов, Евгений Долгов, Андрей Сидельников — ҳимоячилар, Валерий Брошин, Алексей Михайличенко, Игорь Шалимов, Владимир Татарчук, Вадим Тишенко, Эдуард Сон, Валерий Шмаров, Юрий Савичев, Олег Протасов — ярим ҳимоячи ҳамда ҳужумчилар.

Мамлакат футбол чемпионатининг биринчи лигасида қатнашаётган командалар ўртасида иккинчи давранинг навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Натижалар қуйидагича: «Динамо» (Сухуми) — «Қайрат» (Олмаота) — 0:0, «Зенит (Ленинград) — «Ростсельмаш» (Ростов Дон) — 4:1, «Нефтчи» (Боку) — «Динамо» (Ставрополь) — 1:0, «Металлург» (Запорожье) — «Локомотив» (Горький) — 6:1, «Геолог» (Тюмень) — «Котайк» (Абовян) — 2:0, «Шинник» (Ярославль) — «Спартак» (Владикавказ) — 0:2, «Таврия» (Симферополь) — «Кузбасс» (Кемерово) — 2:0, «Тирас» (Тирасполь) — «Локомотив» (Москва) — 1:0.

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси навбатдаги ўйинни ҳам сафарда ўтказди. Улар Краснодарда маҳаллий «Кубань» билан учрашиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозондилар.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

	Ў	Ю	Д	М	Т	О
«Спартак»	21	13	5	3	47—18	31
«Металлург»	21	11	8	2	31—30	30
«Пахтакор»	20	11	4	5	35—24	26
«Динамо» Ст.	21	11	4	6	27—19	26
«Шинник»	21	10	5	6	29—22	25
«Нистру»	21	9	7	5	25—24	25
«Локомотив» М.	20	9	6	5	24—14	24
«Нефтчи»	21	8	7	6	33—26	23
«Динамо» Сх.	19	8	5	6	12—12	21
«Геолог»	21	7	7	7	20—23	21
«Ростсельмаш»	21	7	6	8	22—30	20
«Котайк»	21	6	8	7	18—21	20
«Зенит»	21	6	6	9	24—24	18
«Қайрат»	21	6	6	9	21—25	18
«Таврия»	21	3	12	6	16—17	18
«Факел»	21	7	3	11	21—29	17
«Тирас»	21	5	7	9	16—29	17
«Локомотив» Г.	21	3	8	10	17—33	14
«Кубань»	20	3	5	12	7—29	11
«Кузбасс»	20	2	5	13	10—26	9

ТВ

11 АВГУСТ — ШАНБА ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КУНИ

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

* * *

10.00 «Одобнома» (такрор). 10.10 «Бугун — Физкультурачилар куни». Спорт кўрсатувлари. 1-қисм. 11.10 «Бефайз якшанба». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 12.25 «90-йил абитуриенти». Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Политехника институтига кирувчилар учун. 12.55 «Гул ва Наврўз». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий драма театрининг спектакли. 14.45 Спорт кўрсатувлари. 2-қисм.

Тижорат кўрсатувлари

15.40 «Иш ўнгидан келганда...» 16.10 «Социал муаммолар — диққат марказида». 16.25 «Деҳқоннинг ўйлари ва мулоҳазалари». Бекобод ноҳияси Ленин номли жамоа хўжалигининг иш фаолиятига бағишланади. 17.00 «Мотор» ишга таклиф қилади». Тошкент мотор заводида малакали маҳаллий кадрлар етишмаётганлиги ҳақида.

* * *

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

Қувноқ ўтсин таътиллар

17.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 18.00 Футбол. «Пахтакор»чиларнинг хотира соврини учун. Финал. «Нурафшон» (Бухоро) — «Шахтёр» (Ангрен). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида — «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 20.15 «Оқшом эртаклари». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Дилдаги гаплар...» Ўзбекистон ССР халқ артисти Фаррух Зокиров билан учрашув. 22.00 «Ҳафтанома». 22.40 «Муҳаббат риштаси». Бадиий фильм. 1-серия. (Ҳиндистон). 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 «Сиз яратган боғ». 8.30 «Инсон. Ер. Коинот». 9.30 «Партнер». Тижорат хабарномаси. 10.00 Иркутск оҳанглари. 10.50 «Москва—Мельбурн» телекўприги. 11.40 Болалар учун фильм. «Пеппи Узун пайпоқ» («Мосфильм»). 1-серия. 12.45 «Ҳайвонот оламида». 13.45 «XXI аср — гиёвандларсиз аср». «...16 ёшгача ва ундан катталар» кўрсатувига илова. 15.30 «Ким аслида ўзи ким». «Сиёсий мулоқотлар» туркумидан. Кўрсатувда Президентлик кенгашининг аъзолари иштирок этадилар. 16.45 «Гирдоб». А. Барикин ўз қўшиқларини ижро этади. 17.10 «Халқаро панорама». 18.00 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». «Баскервилейлар ити». Телевизион бадиий фильм («Ленфильм») 1 ва 2-серялар. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 СССР ҳукуматида. 21.10 «Кинопанорама». 22.40 Исроил филармоник оркестрининг концерти. Бадиий раҳбар ва бош дирижёр Зубин Мета (Ҳиндистон). 23.45 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

13.15 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

15.45 Талабларингизга биноан такрорланади. «КВН-90» мавсумининг биринчи учрашуви. 17.27 Мари АССР Давлат «Марий эл» ашула ва рақс дастасининг концерти. 18.15 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 18.45 Баскетбол. Жаҳон чемпионати. Эркаклар. СССР—Канада терма командалари. Аргентинадан кўрсатилади. Танаффус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Мишель ва Мишутка». 1-қисм. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 21.00 А. К. Толстой. «Подшо Фёдор Иоаннович». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 00.20 Отиш спорти бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.

Тунги сеанс

00.35 «Ниқобда ва костюмда». «Полициянинг телефони 110» сериясидан телевизион бадиий фильм (ГДР).



Саволлар беринг!

Талабалар учун яна бир имтиёз

1 сентябрдан бошлаб олий ўқув юртлари талабаларининг стипендияси ошар эмиш, дейишмоқда. Шу ростми? Рост бўлса қанчага ошади?

А. ОЛЛОЁРОВ.

Стипендия бу йил 1 сентябрдан эмас, балки келгуси йил 1 сентябрдан оширилади. Талабалар оладиган стипендия бир хил миқдорда қилиб белгиланган: барча олий ўқув юртларида ҳамма мутахассислик бўйича бир хил миқдорда — ойига 60 сўмдан, ўрта махсус ўқув юртлари учун барча мутахассисликлар бўйича — 45 сўмдан қилиб белгиланди. СССР Вазирлар Кенгаши, ВЦСПС ва БЛКЁИ Марказий Қўмитаси 7 апрелда ана шундай қарор қабул қилган.

1990 йил 1 сентябридан эса барча ўзлаштирувчи талабалар «қониқарли» баҳо олганларида ҳам стипендия олаверадилар.

Қарорда олий ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган талабалар учун ўн йил муддатга 2000 сўм миқдорида қарз бериш (учинчи курсдан кейин), ўқув практикаси давомида олий ўқув юртлари талабалари учун 1 сўмдан, ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари учун 80 тийиндан суткалик ҳақ тўлаш ва бошқа имтиёзлар ҳақидаги масалалар ҳам ўз аксини топган.

Дунганлар ким?

Кейинги ўн йилчадан бери баҳорда Тошкент бозорларида дунганлар етиштирган ширин редискалар пайдо бўлди. Бу редискаларнинг ичи пўк ҳам бўлмайди. Дунганларнинг ўзи ким, улар асосан нима билан шуғулланишади?

Ш. УСМОНОВА.

Тўғри аталиши — **лаохуэй-хуэй** ёки **чжунюанжин**, хитойлар эса **сяо цзя** — кичик оила деб атайдиган бу халқ илк бор XVIII асрнинг иккинчи ярмида Хитойнинг ички ноҳияларидан Синьцзян вилоятига муҳожир қилинганлардан бўлиб, дунган деб атала бошланган эди. Дунганлар эса ўзларини Хитойда яшовчи барча мусулмонлар учун қабул қилинганича уэйцзе деб аташади.

1989 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра СССРда 70 мингдан ортиқ дунган яшайди.

Улар Хитойнинг Ганьсу ва Шэнси вилоятлари шевасида сўзлашади. Ўрта Осиёда яшовчи дунганлар тили араб, рус ва турк группаси тилига мансуб бўлган маҳаллий аҳоли тилларидан олинган қўшимчалар билан бойитилгандир.

Бу халқ Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида ва унинг атрофида, Жамбулда, Жалпақтепа деб номланган қишлоқда, Панфилов шаҳри ва Чилик қишлоғида, Жамбул вилоятининг Курдай ноҳиясига қарашли Қорақўнғиз ва Шўртепа қишлоқларида, Қирғизистоннинг Фрунзе шаҳри ва унинг атрофида, Тўқмоқ ва Пржевальск шаҳарлари, Қант, Қорасув ва Москва ноҳияларининг Ирдик, Хунчи, Милянтан, Қизил Шарқ ва Александровка қишлоқлари, Ўзбекистоннинг Тошкент атрофи ҳамда Фарғона водийси шаҳарларида яшайди.

Дунганларнинг шаклланиши афтидан Хитойнинг шимолий вилоятлари — Шанси, Шэнси ва Ганьсуда юзага келган. Шунга кўра улар узоқ вақт давомида Или водийсига кириб келишган. Дунганларнинг оммавий равишда бу водийга кўчиб ўтишлари ўтган аср охирларида Хитойда бўлиб ўтган дунган қўзғолони воқеалари билан боғлиқдир. Бу — Буюк Тайпи деҳқонлар қўзғолони энг сўнгги тўлқини бўлган эди. Қўзғолонда мағлубиятга учраган дунган гуруҳлари Хитойни тарк этиб Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳудудларига жойлашган эди. Да-Си-фу ҳамда Е-Ложенце бошчилигидаги Қоракўл гуруҳи 1118 кишидан иборат бўлган. Ма-да-Жин бошчилигидаги 1500 кишилик гуруҳ Ўш вилоятида жойлашди. Кейинчалик дунганларнинг бир қисми Авлиёота (Жамбул) атрофидаги қишлоқларга кўчиб ўтди ва муқим яшай бошлади.

Бий-Ян-ху бошчилигидаги 3314 кишилик учинчи гуруҳ Чу дарёсининг Тўқмоқ шаҳри рўпарасидаги қисмида қолди ва ўз посёлкаларини қурди. Қирғизлар уларни «қорақўнғизлар» деб аташарди. Чунки дунганлар аввалига ертўлаларда яшаб, ташқарида фақат қора кийимда пайдо бўлишарди. Чу водийсида жойлашиб қолган дунганлар ҳозир ҳам қабилалардан иборат бўлиб, ўзлари келиб чиққан ўлка шевасини сақлаб қолишган.

Ўрта Осиё бўйлаб жойлашишнинг биринчи даврида дунганлар унчалик кенг ёйилмаган диний бирлашмалар тузишган эди. Улар ердан фойдаланишнинг энг мақбул йўлларини ишлаб чиқишди. Бунда экинзорлар асосан суғориладиган ва лалми ерлардан иборат бўлиб, суғориш иншоотлари бўлмаган майдонлар қўриқ сифатида ажратиб қўйиларди. Ерларга асосан буғдой, шоли, арпа, кунжут, жут, кунгабоқар, кўкнор, жўхори экиларди. Кейинчалик катта майдонлар қанд лавлагиси экиш учун ажратила бошланди.

Дунганлар яшайдиган уй-жойлар асосан пахсадевордан иборат бўлиб, деразалари ҳовли ичкарисига қараши, ташқи деворларнинг баландлиги ҳамда ҳовли атрофининг ёрдамчи бинолардан иборатлиги билан характерлидир. Барча ҳовлиларда унчалик катта бўлмаган боғ ва томорқа майдонлари мавжуд.

Эркаклар ва аёллар кийимлари Хитой шимолий ноҳиялари аҳолиси учун анъанавий бўлган нимча, узун тўн, газлама пайафзал, мўйна телпак ва нафис намат (кигиз)дан тикиладиган қалпоқдан иборат бўлган. Миллий таомлари хитойликлар таомларига яқин бўлиб, асосан хамир ва сабзавотдан кўплаб фойдаланилади. Мазкур халқ учун ислом дини расмий диндир.

Йўқотиш борми?

Ҳозир кўпчилик коммунистларнинг КПСС сафидан чиқиб кетишаётганлигини гапирмоқда. Бу ҳақда аниқ рақам борми?

КПСС Марказий назорат комиссиясининг раиси Б. К. Пугога яқинда ўтказилган матбуот конференциясида ана шундай савол тушган.

— Шу йилнинг олти ойида, — деб жавоб берган у, — КПСС сафидан 250 минг киши ўчирилган. Улардан 160 минги ишчи ва деҳқонлардир. Фирқадан турли сабабларга кўра (фирқа билан алоқани узганлиги, вафот этганлиги, мамлакатдан чиқиб кетганлиги туфайли) 270 минг киши чиқарилган.

Кўнгилли бўлиб, ўз аризаси билан эса фирқа сафларидан яна 370 минг киши кетган.

Бу рақамлар турли ҳудудларда турличадир. Шундай жойлар борки КПССдан кўнгилли бўлиб чиқиш учрамайди, айрим ноҳияларда эса бу рақам анча кўп. Лекин буни фирқа нормал жараён деб ҳисоблайди. КПССга эса бу даврда 120 минг киши аъзо бўлган. Уларнинг ярми ишчи ва деҳқонлардир. Лекин бунинг ташвишли томони шундаки, фирқага кираётган ёшлар кўпчиликни ташкил қилмайди.

Қудуқнинг қаерда бўлгани яхши?

Боғимиздаги терак ёнидан қудуқ қазиган эдик. Негадир соя-салқин бўлишига қарамай сув кам чиқаяпти. Балки дарахт ёнидан қудуқ ковламаслик керакдир?

И. КАРИМҚУЛОВ.

Тўғри кавламаслик керак. Бир томондан бунда биз дарахтнинг илдиз системасини жароҳатлаймиз, иккинчи томондан дарахт илдизи чирий бошлаб қудуқдаги сувни бузиши мумкин. Тераккa келганимизда эса маълумки, бу дарахт сувни яхши буғлантиради. Натижада унинг ўзагида бўшлиқ ҳосил бўлади.

Бу ерда бошқа масалалар ҳам: тупроқ хоссаси, қудуқнинг чуқурлиги ва унинг конструкцияси борлигини айтиб ўтиш керак. Айтайлик, қудуқ атрофи темирбетондан ишланган бўлса унча хавфли бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин барибир қудуқ дарахтдан 4-5 метр нарида бўлгани маъқул. Шунда сув ҳам яхши бўлади ва биз табиат олдида яна бир марта ноқулай аҳволда қолмаймиз. Бу айниқса, янги қудуқ кавловчиларга таалуқлидир.

КЎЧМА КЎРГАЗМА

АНГРЕН расмлар кўргазмасида тошкентлик ёш рассомлар — ранг-тасвир ва графика муаллифларининг полотнолари қўйилган. Ўзбекистон бадиий кўргазмалар дирекцияси ангренликларга тошкентлик рассомлар ижоди билан танишишда ёрдам берди.

Ёш мўйқалам соҳиблари асарларининг кўпи теран мазмуни, ижодий жиҳатдан ўзига хослиги ҳамда замонамиз руҳини фалсафий умумлаштиришга интилиши билан ажралиб туради. Кўргазмага тақдим этилган йигирма бешта картина орасида мультипликация соҳасида томошабинларга яхши таниш бўлган С. Алибеков сингари таниқли муаллифларнинг асарлари ҳам бор.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д/ — 23519.